

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Р.О. ХОЛБЕКОВ, А.Т. МАҲКАМБОЕВ,
Ш.Т. ЭРГАШЕВА, А.Ш. ТОШПУЛАТОВ**

**МОЛИЯВИЙ ВА БОШҚАРУВ
ҲИСОБИ ФАНИДАН МАСАЛАЛАР
ТҮПЛАМИ**

ТОШКЕНТ – “ИҚТИСОДИЁТ” – 2013

Холбеков Р.О., Махкамбоев А.Т., Эргашева Ш.Т., Тошпўлатов А.Ш.
Молиявий ва бошкарув хисоби фанидан масалалар тўплами. Услубий
қўлланмана. –Т.: ИҚТИСОДИЁТ, 2013. –107 б.

Мазкур услубий қўлланмана “Молиявий ва бошкарув хисоби” фани бўйича ўтилган дарсларни мустахкамлаш ва ўзлаштириб олинда асос бўлиб хизмат килади. Кўлланмана бухгалтерия хисобининг жамиятда тутган ўрни, вазифаси, тамойиллари, усуллари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик жараёнлари, маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари характеристики бухгалтерия хисоби хужжатларида расмийлаштириш, бухгалтерия хисоби ёзувларида акс эттириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг бошкарув карорларини қабул килинда бухгалтерия хисоби маълумотларини шакллантириш каби назарий ва амалий билимлар бўйича талабаларда тушунча ҳамда кўнкимга хосил килишга мўлжалланган.

Ушбу услубий қўлланмана хозирда бухгалтерия хисоби тизимини такомиллаштириш борасида ҳукуматимиз томонидан қабул килинаётган, жумладан, “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги конун, “Махсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича ҳаражатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги низом, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Хисоби Миллий Стандарти ва ишлаб чиқариш тармоқларининг бошка меъёрий хужжатлари асосида яратилди. Услубий қўлланмана “Бухгалтерия хисоби ва аудит” йўналиши ва бошка иқтисодий йўналишлар талабалари учун тавсия этилади.

Қўлланмана Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий Кенгашининг 2013 йил 30 апрелдаги 9-сонли баённомаси билан чоп этиш ва ундан ўкув жараённада фойдаланишга руҳсат этилди.

Маъсул мухаррир: И.Ф.н., доц. Ахмедов Ҳ.Д.

Такризчилар: Ибрагимов А.К. – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси профессори;
Хошимов. Б.А. – Тошкент давлат иқтисодиёт
университети доценти.

ISBN 978-9943-4021-8-8

10 41892
291

УЎК 657.02

КБК 65.052

2014/8	Alisher Navoiy
A	nomidagi
638	O'zbekiston MK

© «Иқтисодиёт» нашриёти, 2013.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
1-мавзу. Молиявий ва бошқарув ҳисоби фанининг предмети, усуллари.....	6
2-мавзу. Бухгалтерия баланси ва унинг тузилиши.....	17
3-мавзу. Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби.....	23
4-мавзу. Материаллар ҳисоби.....	30
5-мавзу. Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби.....	34
6-мавзу. Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби.....	42
7-мавзу. Молиявий кўйилмалар ҳисоби.....	44
8-мавзу. Тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар ва уларнинг сотилиши ҳисоби.....	47
9-мавзу. Капитал, фонд ва молиявий натижалар ҳисоби.....	49
10-мавзу. Молиявий (бухгалтерия) ҳисбот.....	52
11-мавзу. Бошқарув ҳисобининг назарий асослари.....	58
12-мавзу. Бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш.....	60
Изоҳли луғат.....	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	87
Илова.....	89

Кириш

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор”¹.

Бундай долзарб дастурни амалга оширишда республикамизнинг амалдаги ҳисоб тизимини назарий ва амалий жиҳатдан замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш муҳим вазифалардан биридир. Етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш, ўз навбатида, уларда ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам модернизация қилишни талаф этади. Шунингдек, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бевосита мавжуд маблаглардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, уларнинг ҳисобини тўғри ташкил қилиш асосида амалга оширилади. Ҳисоб ишларини тўғри ташкил этиш кўпроқ шу соҳа мутахассисларининг малака ва кўнкимларига бевосита боғлиқдир.

Бошқа фанлар каби «Бухгалтерия ҳисоби» фани ҳам ўз тарихи, вазифалари, предмети, обьекти, усул ва услубияти ҳамда тамойилларига эга. Молиявий ва бошқарув ҳисоблари бухгалтерия ҳисобининг бир-биридан ажralmas кисмларидир. “Молиявий ва бошқарув ҳисоби” фанида молиявий ва бошқарув ҳисобларининг жамиятда тутган ўрни, ахамияти, вазифаси, предмети, обьекти, тамойиллари, усуллари, уларда хўжалик жараёнларининг акс эттирилиши, услугий жиҳатдан фарқи ва бирлиги ҳамда бошқа ўзига хос ҳусусиятлари ўрганилади. Ушбу услугубий кўлланма “Молиявий ва бошқарув ҳисоби” фанидан олинган назарий билимларни мустаҳкамлашда талабаларга кўмак беради.

“Молиявий ва бошқарув ҳисоби” фани нафақат бухгалтерия ҳисоби тизими учун, балки барча иқтисодий йўналишлар учун ҳам назарий манба ҳисобланади. Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида барча маъмурий-бошқарув ходимлари ва ишчи – хизматчилари иқтисодий тушунча ҳамда жараёнлар тўғрисида маълумотга эга бўлиши зарурий ҳолдир. Бундай иқтисодий тушунча

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кең кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь, №13 (5687).

хамда жараёнлар мазмуни ва ечими “Молиявий ва бошқарув ҳисоби” фанидан тузилган масалалар орқали англаб олинади.

“Молиявий ва бошқарув ҳисоби” фанидан тузилган масалалар тўпламида келтирилган мавзулар бўйича масалалар “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши учун тасдиқланган ўкув режадаги “Бухгалтерия ҳисоби назарияси”, “Молиявий ҳисоб”, “Бошқарув ҳисоби” фанларининг ўкув дастурлари ва бошқа иқтисодий йўналишлар учун тасдиқланган ўкув режадаги “Молиявий ва бошқарув ҳисоби” фанининг ўкув дастури асосида тузилди.

1-мавзу. МОЛИЯВИЙ ВА БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ

1-масала.

Максад – ҳисоб турларини ўрганиш.

Вазифа – келтирилган жараёнларни ҳисоб турлари бўйича гурухлаш. Ҳисоб турлари:

- оператив (тезкор) ҳисоб;
- статистик ҳисоб;
- бухгалтерия ҳисоб.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона фаолияти вужудга келадиган жараёнлар:

1. Ишлаб чиқариш цехи бошлиғи таъминот бўлимига кейинги ойга хомашёни олиш учун буюртма берди.

2. Корхона раҳбари телефон орқали бир ҳафта ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳакидаги маълумотларни сўради.

3. Ходимлар бўлими бошлиғи корхона ходимлари билан сўровни ўтказилиши ҳакидаги топширикни олган.

4. Корхона раҳбарига ҳар бир цех бошлиғи жорий ҳисобот даврида маҳсулотни ўртacha ишлаб чиқарилиши ҳакидаги маълумотларни тақдим этдилар.

5. Омбор мудири тайёр маҳсулотларни фактура асосида сақлашга қабул қилди.

6. Кассир корхона ходимида хизмат сафари учун ҳисобдорлик суммасини берди.

7. Корхона раҳбари ходимлари меҳнатига ҳак тўланганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлди.

8. Корхона кассасига харидорлардан сотиб олинган маҳсулот учун накд пул топширилди.

9. Таъминот бўлими бошлиғи корхона раҳбарига бир ой ичида килинган ишлар натижалари ҳакида ахборот берган.

10. Бош мухандис корхона раҳбарига бир ой ичида электр энергияси ресурсларидан фойдаланиш ҳакида ахборот берган.

Топширик. Хўжалик жараёнларини ҳисоб турлари бўйича гурухланг.

2- масала.

Максад – ҳисоби турлари ҳакидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – келтирилган вазиятларда ҳисобнинг қайси турларидан фойдаланилганлигини кўрсатиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона фаолиятидаги жараёнлар:

1. Корхона кассасидан ходимларга иш ҳақи берилди.
2. Бош иқтисодчи акционерлар кенгашига корхона томонидан ўтган йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва ҳар бир тури бўйича ўртача сотиш нархи ҳақидаги ҳисоб-китобни тақдим этди.
3. Бош механик моддий-техник таъминот бўлимига эҳтиёт қисмларини харид қилишга буюртма берди.
4. Корхона раҳбари ходимлар бўлими бошлиғига ходимларнинг маълумоти ҳақидаги аҳборот тайёрлаш ҳақида кўрсатма берди.
5. Бухгалтер ўтган ойда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи ҳисоб-китобини қилди.
6. Ходимлар бўлими бошлиғи корхона раҳбарига ходимларнинг маълумоти ҳақида аҳборот тақдим этди.
7. Бухгалтер ходимларнинг иш ҳақларидан солиқларни ушлаб қолди ва бухгалтерия ё یувларида акс эттириди.
8. Корхона молия бўлимининг бошлиғи акционерлар кенгашига кейинги йилдаги пул маблағлари ҳаракати бўйича сметани тақдим эттан.
9. Моддий-техника таъминоти бўлими бошлиғи корхона раҳбарига кейинги ойда материалларни харид қилиш бўйича буюртмани тасдиқлаш учун топшириди.
10. Кассир лимитдан ортиқча нақд пул маблағларини банкдаги ҳисоб-китоб счётига топшириди.

Топширик. Келтирилган вазиятларда ҳисобнинг қайси турларидан фойдаланилганлигини кўрсатинг.

З-масала.

Мақсад – корхона маблағларини уларнинг турлари бўйича гурухланишини ўрганиш.

Вазифа – келтирилган маълумотлар асосида корхона маълумотларини таснифга мувофик гурухларга ажратиш.

Корхона маблағларининг гурухлари:

1. Асосий маблағлар.
2. Айланма маблағлар.
3. Номоддий активлар.
4. Молиявий қўйилмалар.
5. Оборотдан ташқари активларга қўйилмалар.
6. Бошқа томонга қаратилган маблағлар.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Металгаз” масъулияти чекланган жамиятининг маблағлари:

1. Юк автомобильлари.
2. Кассадаги нақд пуллар.
3. Қиска муддатли молиявий қўйилмалар.
4. Хўжаликка тегишли ускуналар.
5. Эҳтиёт қисмлар.
6. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари.
7. Ёқилги.
8. Автомашиналар учун гараж.
9. Фирма биноси.
10. Кўп йиллик ўсимликлар.
11. Фирманинг товар белгиси ва савдо маркаси.
12. Курилиш материаллари.
13. Фирманинг ҳисобдор шахсдан қарздорлик суммаси.
14. Тайёр маҳсулотлар.
15. ЭҲМ учун дастурий маҳсулотлар.
16. Цех биносини куришга ажратилган маблағлар.
17. Бошка дебиторлар билан ҳисоб-китоблар.
18. Валюта счёти.
19. Фирманинг дебиторлик қарзи.
20. Брокерлик ўрнининг киймати.
21. Ўрнатиш учун ускуналар.
22. Ишлаб чиқаришдаги дастгоҳлар.
23. Бюджетга бўлгуси фойдадан авансли ажратмалар.

Топширик. Маблағларни юқорида келтирилган тартиб бўйича гурухларга ажратинг.

4-масала.

Максад – манбаларнинг таснифи хақидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – манбаларни уларнинг турлари ва ташкил топиш жойлари бўйича гурухларга ажратиш.

Корхона маблағларининг ташкил топиш манбалари:

1. Уз маблағларининг манбалари.
2. Қарзга олинган маблағларининг манбалари ёки мажбуриятлар.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Металгаз” масъулияти чекланган жамият маблағларининг

ташкил топиш манбаларини жорий йилнинг 1 январь ҳолати бўйича рўйхати.

1. Устав капитали.
2. Металл комбинатига ортиб жўнатилган труба учун қарздорлик суммаси.
3. Резерв капитали.
4. 11-сонли автотранспорт корхонасига кўрсатилган хизмат учун қарздорлик суммаси.
5. Пардозлаш цехи ишчиларига иш хақи тўлаш бўйича қарздорлик суммаси.
6. Махсулотларни сотишдан олинган фойда.
7. “Таъминот-сотиш” фирмасига машиналарни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлари бўйича қарздорлик суммаси.
8. Банкнинг қисқа муддатли қарзлари.
9. Чиқиндиларни сотишдан олинган фойда.
10. Механика цехи ишчиси К. Маматовга хизмат сафари бўйича қарздорлиги суммаси.
11. “Металгаз” масъулияти чекланган жамиятнинг ўтган йилдан қолган тақсимланмаган фойдаси.
12. “Энергия давлат таъминоти” АЖ га истеъмол килган электр энергияси учун қарздорлик суммаси.
13. Олинган банк кредитлари бўйича қарздорлик суммаси.
14. Сув таъминоти корхонасига истеъмол килинган сув учун қарздорлик.

Топширик. Келтирилган манбаларни уларнинг турлари ва ташкил топиш жойлари бўйича гурухларга ажратинг.

5-масала.

Максад – бухгалтерия ҳисоби обьектларини ўрганиш.

Вазифа – хўжалик маблағлари ва уларни ташкил бўлиш манбаларини келтирилган шакл бўйича гурухларга ажратиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Жорий йилнинг 1 январида. «Металгаз» масъулияти чекланган жамиятнинг маблағлар мавжудлиги ва манбалари.

Топширик. «Металгаз» масъулияти чекланган жамиятнинг маблағлари ва уларни ташкил топиш манбаларини келтирилган шакл бўйича гурухларга ажратинг.

Хўжалик маблаглари ва манбаларининг номи.	Сумма (минг сўнда)
1. Ишлаб чикаришни амалта ошириш учун патент	2303
2. Устав капитали	49681
3. Юк автомобилълари	6796
4. Мол етказиб берувчилар ва пурратчилар билан хисоб-китоблар	425
5. Тракторлар	4522
6. Автомашиналар учун гараж	2332
7. Хисоб-китоб счётидаги пул маблаглари	1988
8. Фрезерли дастгоҳлар	2157
9. Кўп йиллик дараҳтлар	1973
10. Хўжаликка тегишли бўлган асбоблар-ускуналар	2253
11. Таъмирлаш устахонасининг биноси	5500
12. Компьютерлар	1000
13. Кассадаги пул маблаглари	198
14. Ёкилги	445
15. Идора биноси	3438
16. Иссикхона мўрилари	2265
17. Пўлат тунука	886
18. Валюта счёти	895
19. Том ёнадиган тунука	355
20. Тайёр маҳсулотлар	245
21. Корхонанинг соликлар ва йигимлар бўйича карзи	802
22. Идишлар	853
23. Курилиш материаллари	672
24. Нефть маҳсулотлари	1742
25. Цех биноси	6827
26. Бўйклар	285
27. Кредиторлар билан хисоб-китоблар	822
28. Эҳтиёт кисмлар	7356
29. Бошқа ишлаб чикариш бинолари	368
30. Материаллар	98
31. Хисобдор шахслар томонидан карздорлик суммаси	177
32. Қиска муддатли молиявий кўйилмалар	150
33. Банкларнинг қиска муддатли кредитлари	3324
34. Тайёрлаш ташкилотларининг карздорлиги	597
35. Ходимлар билан иш ҳақи бўйича хисоб-китоблар	4100
36. Фойда	4276
37. Корхонанинг сугурга ва таъминот бўйича карздорлиги	75
38. Бошқа ишлаб чикариш захиралари	525
39. Акционерлардан харид килинган шахсий акциялар	4174
40. Резерв капитали	517
41. Бошқа дебиторлар билан хисоб-китоблар	112
42. Қўшимча капиталлар	781
43. Асосий ишлаб чикариш	828

Турлари ва жойлаштирилиши бўйича корхона маблаглари	Сумма (минг сўм ҳисобида)	Ташкил топиш манбалари	Сумма (минг сўм ҳисобида)
1. Ишлаб чиқаришга патент Жами:	2303	1. Устав капитали Жами:	49681

б-масала.

Мақсад – маблагларнинг жойлаштирилиши ва ташкил топиш манбалари бўйича гурухларга ажратиши ўрганиш.

Вазифа – маблағларнинг жойлаштирилишини ҳисобга олиб гурухларга ажратиш.

Хўжалик маблағлари ва манбалари номи	Сумма (минг сўмда)
1. Омборхона биноси	30000
2. Цех биноси	50000
3. Идора биноси	26850
4. Жамғарма банкидаги ҳисоб ракамдаги пуллар	15400
5. Юқ автомобилълари	34600
6. Хомашё	2800
7. Устав капитали	197000
8. Ёрдамчи хўжалигидаги она қўйлар ва қўчкорлар	10200
9. Асосий воситаларнинг эскириши	65000
10. Фойда	80000
11. Куп ийллик дарахтларни экиш харажатлари	3500
12. Касса	80
13. Банкларнинг қиска муддатли кредитлари	55000
14. Ходимлар билан иш ҳаки бўйича ҳисоб-китоблар	65000
15. Резерв капитали	10850
16. Тракторлар	15220
17. Дастгоҳлар	45000
18. Ёш қўзилар	40000
19. Корхонага харидор ва буюртмачиларнинг қарздорлиги	80000
20. Озукалар	15200
21. Курилиш материаллари	12000
22. Идиш материаллар	15000
23. Иссиқлик қувурлари	85000
24. Қорамоллар	20000
25. Мойлаш материаллари	40000
26. Банкнинг узок муддатли кредитлари	21000
27. Тайёр маҳсулотлар	44000
28. Келгуси харажатларга резервлар	11000

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Тонг” ишлаб чиқариш корхонаси жорий йилнинг 1 январидаги хисобга олиш обектлари

Топширик. “Тонг” ишлаб чиқариш корхонаси маблағларини уларнинг жойлаштирилишини хисобга олиш билан гурухларга ажратинг.

Маблағларни жойлаштирилиши бўйича гурухланиши:

1. Ишлаб чиқариш соҳасида.
2. Муомала соҳасида.
3. Ноишлаб чиқариш соҳасида.

Маблағлар манбаларини уларнинг турлари бўйича гурухларга ажратиш.

Хусусий: капиталлар.

Карзга олинган: банклар кредитлари.

7-масала.

Максад – корхона маблағлари, келар манбалар хусусияти ва уларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш.

Вазифа – маблаглар ва уларнинг келар манбалар ўзгариши сабабини кўрсатиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Хўжалик операциялари:

1. Кассадан ҳисобдорлик суммаси берилди - 200000 сўм.
2. Ҳисоб-китоб счётидан мол етказиб берувчига аванс сифатида ўтказиб берилди - 4000000 сўм.
3. Корхона омборига мол етказиб берувчилардан материаллар келиб тушди - 8000000 сўм.
4. Кассадан ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига хисобланган иш хақи берилди – 12000000 сўм.
5. Кассадан алиментлар берилди - 27000 сўм.
6. Фойда ҳисобидан таъсисчиларга дивиденdlар ҳисобланди - 1210000 сўм.
7. Ҳисоб-китоб счётидан таъсисчиларга хисобланган дивиденд суммалари ўтказилди - 1210000 сўм.
8. Асосий ишлаб чиқаришга материаллар берилди - 4800000 сўм.
9. Касса лимитидан ортиқча пул ҳисоб-китоб счётига қайта-рилди - 170000 сўм.

Топширик. Келтирилган хўжалик жараёнларига мувофик маблағлар ва уларнинг келар манбаларининг ўзгарганлик сабабини кўрсатинг.

Топширикни расмийлаштириш куйидаги тартибда амалга оширилади.

1. Ҳисобдор шахс кассага олдин олган аванс суммасининг фойдаланилмаган қисмини қайтарган:

а) кассадаги пул маблағлар күпайди; б) ҳисобдор шахснинг дебиторлик қарзи камайған ва ҳоказо.

8-масала.

Мақсад – синтетик счёtlарни очиш ва уларга ёзиш услубиётини ўрганиш.

Вазифа – “Зарбдор” ОАЖ нинг жорий йилнинг 1 мартағи баланси асосида синтетик счёtlни очиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Зарбдор” ОАЖ нинг жорий йилнинг 1 мартағи баланси

Актив	Сумма (минг сўмда)	Пассив	Сумма (минг сўмда)
1. Асосий воситалар	208302	1. Устав капитали	579757
2. Материаллар	388100	2. Резерв капитали	50160
3. Асбоб-ускуналар	7160	3. Ходимлар билан иш ҳаки бўйича ҳисоб-китоблар	20820
4. Касса	102	4. Қисқа муддатли кредитлар ва карзлар бўйича ҳисоб-китоблар	5800
5. Ҳисоб раками	62974		
6. Ҳисобдор шахслар билинг ҳисоб-китоблар	269		
Баланс	666907	5. Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар	10370
		Баланс	666907

1-топширик. Вазифаларни бажариш учун ишчи дафтарда қуида келтирилган тартибда счёtlарни очинг.

0001-счёtl “Асосий воситалар” Дебет Кредит

Операцияларнинг мазмуни ва тартиб рақами	Сумма (минг сўмда)	Операцияларнинг мазмуни ва тартиб рақами	Сумма (минг сўмда)

2-топширик. Келтирилган шакл бўйича рўйхатга олиш дафтарини тузинг ва унда хўжалик операциялари ва корреспондентлашувчи счёtlарни акс эттиринг.

**Жорий йилнинг март ойи учун хўжалик операцияларини
рўйхатта олиш дафтари**

T/P	Операциялар мазмунни	Корреспондентланувчи счётлар Дебет Кредит	Сумма (минг сўмда)

Март ойидаги хўжалик операциялари

Хўжалик операцияларининг мазмунни	Сумма (минг сўмда)
1. Хисоб-китоб счётидан кассага пул олиб келинди	12500
2. Хисобдор шахсга хизмат сафари харажатлари учун пул берилди	1500
3. Хисоб-китоб счётидан мол етказиб берувчиларга карадорлик суммаси ўтказиб берилди	7000
4. Кассадан иш хаки берилди	8000
5. Хисоб-китоб счётига банкдан киска муддатли қарз суммаси келиб тушди	90000
6. Хисобдорлик суммалар хисобига материаллар харид килинган	1000
7. Фойдаланилмаган хисобдорлик суммаси кассага кайтарили	263
8. Мол етказиб берувчилардан хомашё келиб тушди	25000
9. Мол етказиб берувчиларнинг счёти тўлашга кабул килинди	14000

3-топшириқ. Маълумотларни рўйхатга кайд дафтарига олдинрок очилган счётлар бўйича қайд қилинг, счётлар бўйича оборотларни ҳисоблаб чиқинг ва 1 апрелдаги қолдикни аникланг.

4-топшириқ. Шахматли оборот ведомостини тузинг.

5-топшириқ. “Зарбдор” ОАЖ нинг 1 апрелга бўлган балансини тузинг.

9-масала.

Максад – бухгалтерия ҳисоби синтетик счётларини очиш ва операцияларни ёзиш усууларини мустаҳкамлаш.

Вазифа – баланс асосида синтетик счётларни очиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Фотон” ОАЖнинг жорий йилнинг 1 ноябрига бўлган баланси

1-топшириқ. “Фотон” ОАЖнинг жорий йилнинг 1 ноябрига бўлган баланси асосида счётлар очинг.

2-топшириқ. Ноябрь ойидаги хўжалик операциялари бўйича рўйхатта олиш дафтарини тузинг.

Актив	Сумма (минг сўмда)	Пассив	Сумма (минг сўмда)
1. Асосий воситалар	76000	1. Устав капитали	87800
2. Материаллар	9700	2. Тақсимланмаган фойла	10000
3. Касса	1200	3. Банкнинг киска муддатли кредити	4200
4. Ҳисоб-китоб счёти	14000	4. Иш хақи бўйича қарздорлик	2000
5. Тайёр маҳсулот	3300	5. Мол етказиб берувчилар ва пурратчилар билан ҳисоб-китоблар	1000
6. Номоддий активлар	800		
Баланс	105000	Баланс	105000

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Жорий йилнинг ноябрь ойидаги хўжалик операциялари

Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма (минг сўмда)
1. Ҳисоб-китоб счётидан кассага пул келиб тушди	2000
2. Кассадан иш хақи берилди	1000
3. Номоддий активлар харид килинган	500
4. Ҳисоб-китоб счётига банкнинг киска муддатли кредити киритилган	3800
5. Тақсимланмаган фойданинг бир кисми устав капиталига қўшилди	30000
6. Мол етказиб берувчилардан материаллар олинди	4000
7. Ҳисоб-китоб счётидан киска муддатли кредитни бир кисми тўланди	4200
Жами	

3-топшириқ. Хўжалик операцияларини аввалрок очилган счётларда акс эттиринг, счёт оборотларини ҳисоблаб чиқинг ва 1 декабрга бўлган қолдигини аниқланг.

4-топшириқ. Корхонанинг 1 декабрдаги балансини тузинг.

5-топшириқ. Шахматли оборот ведомостини тузинг.

10-масала.

Мақсад – хужжатларнинг намунавий шаклларидан фойдаланган ҳолда бухгалтерия хужжатлари реквизитларини тўлдириш услубиётини ўрганиш.

Вазифа – хўжалик харажатларига ҳисобот ойидаги суммадан фойдаланиш бўйича вазиятни кўриб чиқиш ва бухгалтерия хужжатларини тўлдириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона: “Лочин” МЧЖ.

Реквизитлари: ИНН 263403122, Х/Р 40702810307050000020

Акционерлик Тижорат “Ўзсаноатқурилишбанки”да корхона счёти 30101803000000007140, банк коди 00407.

Юридик шахс манзили: Тошкент шаҳри, Гулистон 182. “Лочин” МЧЖ Директори - И.Н. Сайдов. Бош хисобчи - И.Ч. Пўлатова. Кассир - А.И. Ли. Кўриб чикилаётган давр жорий йилнинг февраль ойи.

“Лочин” МЧЖ таъминотчиси кассадан эҳтиёт кисмларини харид қилишга 90000 сўм ҳисобдорлик суммаси олган. У керакли эҳтиёт кисмлар (лентани айлантирувчи ролик - донаси 16500 сўмдан 4 та, метри 2000 сўмдан 10 метр лента) харид килган ва кассага аванс ҳисоботини топширган. А. Алиев эҳтиёт кисмларни омборга, ҳисобдорлик суммаси қолдигани “Лочин” МЧЖ кассасига топширган.

1-топширик. Куйидаги харажатларни тўлдириш топширилади:

а) 10 февралдаги 40-сонли чиким касса ордери; б) 11 февралдаги 12-сонли аванс ҳисоботи; в) 11 февралдаги 32-сонли юк хати;
г) 12 февралдаги 63-сонли касса кирим ордери.

2-топширик. Ҳисобдорлик суммаларидан хизмат сафари харажатларига фойдаланиш бўйича вазиятни кўриб чиқиш ва керакли ҳужжатларни тўлдиринг.

“Лочин” МЧЖ таъминотчиси А. Алиев директорнинг жорий йил 14 февралдаги 7-сонли буйруғига кўра, 15 февралдан 7 кун муддатда Москва шаҳрида хизмат сафарида бўлган. А. Алиев хизмат сафари учун кассадан 1200000 сўм ҳисобдорлик суммаси олган ва сафардан қайтиб келиши билан аванс ҳисоботини топширган. Ҳисобот бўйича хизмат сафари харажатлари: меҳмонхонада яшаш кунига - 400 руб. (ўша кунги курс 1 руб.- 57 сўм); Самолёт чиптаси бориш-келиш учун 950000 сўм.

Тўлдириш учун керак бўлган ҳужжатлар:

а) 14 февралдаги 6-сонли хизмат сафари гувоҳномаси;
б) 14 февралдаги 48-сонли касса чиким ордери;
в) 18 февралдаги 17-сонли аванс ҳисоботи;
г) 18 февралдаги 69-сонли касса кирим ордери.

11-масала.

Максад – бухгалтерия ҳужжатлари гурухларини ўрганиш.

Вазифа – ҳужжатларнинг аввал тўлдирилган бланкаларидан фойдаланган ҳолда (10-масалага қаранг) ҳужжатларни турли аломатларини ҳисобга олиш билан гурухлаш.

Топширик. Хужжатларнинг турли аломатларини ҳисобга олган ҳолда гурухланг.

Топширикни бажариш учун қуйидаги шаклдан фойдаланиш керак

Хужжатнинг номи	Белгиланиши бўйича	Расмийлаштириш тартиби бўйича	Даврийлиги бўйича	Тузиш жойи бўйича
Касса кирим ордери	тасдиқловчи	бирламчи	бир марталик	ички

2-мавзу. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

12-масала.

Мақсад – бухгалтерия балансининг таркибий тузилишини ўрганиш.

Вазифа – жадвалда келтирилган корхона маблағлари ва уларнинг келар манбаларини гурухларга ажратиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

«Мадат» ОАЖ нинг маблағлари ва манбалари

Давр бошидаги маблағлар ва манбалар	Сумма (минг сўмда)
1. Асосий воситалар	398000
2. Номоддий активлар	89000
3. Урнатиш учун ускуналар	220000
4. Оборотдан ташқари активларга қўйилмалар	449000
5. Кисқа муддатли молиявий қўйилмалар	163000
6. Устав капитали	1146000
7. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар	297000
8. Банкларнинг кисқа муддатли кредитлари	360000
9. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар	18000
10. Келгуси харажатлар резерви	150000
11. Ҳаридорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	187000
12. Мол етказиб берувчилар ва пурратчилар билан ҳисоб-китоблар	210000
13. Ишлаб чиқариш захиралари	836000
14. Касса	10000
15. Ҳисоб-китоб счёти	364000
16. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	76000
17. Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар	31000
18. Фойда	678000

Топширик. Келтирилган маълумотларни жадвалда келтирилган шакл бўйича гурухларга ажратинг.

2014/8 A 638	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
-----------------	--

«Мадат” ОАЖ нинг жорий йилнинг 1 январига баланси

Актив	Сумма (минг сўмда)	Пассив	Сумма (минг сўмда)
Асосий воситалар	398000	Устав капитали	1146000

13-масала.

Мақсад – баланснинг таркибий тузилиши тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – оёқ кийим ишлаб чиқарувчи корхонанинг хисобот или боши ва охиридаги таркиби бўйича маблағлари ҳамда унинг ташкил топиш манбаларини гурӯхларга ажратиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари тўғрисида маълумот

Маблағларнинг ялоҳида турлари номи ва уларни ташкил бўлиш манбалари.	Сумма (минг сўмда)	
	йил бошида	йил охирида
1. Омбордаги аёллар туфлилари	1200	4300
2. Банкдаги хисоб-китоб счёти	6000	17300
3. Кўшимча капиталлар	2000	3500
4. Чарм заводига чарм учун карздорлик	800	3200
5. Фабрика биноси	90000	212800
6. Омбордаги тагчармбоп тери	5000	19700
7. Омбордаги болалар туфлиси	800	2800
8. Хисобдор шахсларга карздорлик суммаси	130000	316000
9. Устав капитали	12000	34400
10. Цехдаги кесувчи дасттохлар	800	1340
11. Транспорт хизматидан олинган фойда	1000	2300
12. Цехдаги тугалланмаган ишлаб чиқариш	700	1300
13. Омбордаги машина мойи	1200	4200
14. Шубҳали карзлар бўйича резервлар	20000	42500
15. Омбор биноси	700	2190
16. “Тўқимачи савдо” фирмасидан олинган материаллар учун карздорлик суммаси	200	950
17. Иш хаки бўйича карздорлик суммаси	2300	5400
18. Омбордаги бошқа хомашёлар	2000	3600
19. Банкка киска муддатли карз бўйича карздорлик суммаси	500	5300
20. Соликлар ва йигимлар бўйича карздорлик суммаси	600	1700
21. Цехдаги эркаклар ботинкалари бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш	20	100
22. Кассадаги нақд пуллар	1500	2100

23. Тақсимланимаган фойда	7000	17600
24. Тикув цехидаги тикув машиналари	3900	8800
25. Омбордаги кора юпка тери	600	4090
26.“Электр энергия таъминот” АЖга истеъмол қилинган энергия учун қарздорлик суммаси	200	1100
27. “Сув таъминот” АЖга истеъмол қилинган сув учун қарздорлик суммаси	346	
28. Омбордаги тикув итилари	400	900
29. Максадли молиялаштириш	500	650
30. Цехдаги ўлчов машиналари	4000	4300
31. Келгуси давр харажатлар резервлари	300	7300
32. Цех бошлигининг хисобдорлик суммалари бўйича қарздорлик суммаси	30	20
33. Омбордаги эркаклар ботинкалари	1000	1730
34. Номоддий активлар	200	300
35. Махсулот сотишдан олинган фойда	16700	26660
36. Ўрнатиш учун мўлжалланган жихозлар	900	1400
37. Омбордаги болаларнинг спорт туфлилари	600	1270
38. Чарм заводидан қарздорлик суммаси	1200	2000
39. “Ултуржисавдо” АЖ нинг олинган товар учун қарздорлик суммаси	400	2180

Топширик. Келтирилган маълумотлар асосида корхонанинг хисобот йили боши ва охиридаги таркиби бўйича маблағлари ҳамда унинг ташкил топиш манбаларини гурухларга ажратинг.

14-масала.

Мақсад – корхона обьектлари балансининг актив ва пассив томонлари бўйича жойлашни ўрганиш.

Вазифа – тасдиқланган шаклдаги бланкадан фойдаланиб, жорий ой бошидаги балансни тузиш (Бухгалтерия баланси – 1 шакл).

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхонанинг хисобот санасидаги хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари

Топширик. Берилган маълумотлардан фойдаланиб, жорий ой бошидаги балансни тузинг.

Хўжалик маблағлари ва уларни ташкил топиш манбалари	Сумма (минг сўмда)
1. Юк автомашиналари	415000
2. Бензин	73000
3. Тракторлар	409000
4. Сигирлар	99000

5. Мол етказиб беруачилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар	135500
6. Фойда	380000
7. Мевали боғ	145900
8. Маданият уйи	800000
9. Банкнинг узок муддатли кредитлари бўйича карздорлик	535000
10. Хисоб-китоб счётидаги пул маблағлари	300000
11. Устав капиталлари	397500
12. Таъёр маҳсулотлар	270500
13. Минерал ўғитлар	361500
14. Бошка кузги ўғитлар	112800
15. Кўшимча капиталлар	1200000
16. Маҳсус фонд	7000
17. Ошхона ускуналари	81900
18. Эҳтиёт кисмлар	113800
19. Корхонанинг мулкларни сугурталаш бўйича карздорлиги	4500
20. Тугалланмаган асосий ишлаб чикариш	390000
21. Ошхона биноси	112500
22. Кассадаги пул маблағлари	100
23. Омбор биноси	111000
24. Захирали дорилар	12100
25. Харидорларнинг карздорлиги	15600
26. Арраланган ёғочлар	11800
27. Комбайнлар	579000
28. Резерв капитали	604000
29. Иш хаки бўйича карздорлик	85800
30. Молхона бинолари	858000
31. Харидорларнинг хисобот ойи бўйича карздорлиги	250
32. Сув таъминот минораси	40150
33. Тошли девор	7200
34. Идора шкафлари	500
35. Мойли бўёқ	250
36. Гараж биноси	11800
37. Ҳар хил дебиторлар бўйича карздорлик	1200
38. Банкларнинг киска муддатли кредитлари	713000
39. Бошка тугалланмаган ишлаб чикариш	718200
40. Соликлар ва йигимлар бўйича карздорлик	100000
41. Курилиш материаллари	100200
42. Устиришдаги хайвонлар	890800
43. Озука	390900
44. Банкдаги маҳсус счёт бўйича маблағлар	2000
45. Максадли молиялаштириш	1105000
46. Келгуси давр харажатлари бўйича резервлари	215000
47. Капитал қўйилмалар бўйича кредиторлар	102800

48. Омборхона биноларининг асбоб-ускуналари	110000
49. Шубҳали карзлар бўйича резервлар	8800
50. Қиска муддатли кредитлар бўйича карздорлик	8000
51. Мол етказиб берувчилар ва пурратчилар билан ҳисоб-китоблар	501000
52. Мол етказиб берувчиларга берилган аванслар бўйича карздорлик	8000
53. Устахонадаги асосий воситаларни тугалланмаган таъмирланишига харажатлар	1000
54. Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар (моддий жавобгар шахсларники)	500
55. Ҳўжалик асбоблари	46000
56. Идиш ва идиш материаллари	50500
57. Асосий подани шакиллантириш бўйича харажатлар	36000

15-масала.

Мақсад – баланснинг намунавий шаклини ўрганиш.

Вазифа – келтирилган маълумотлар асосида корхонанинг давр бошидаги балансини тузиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Сўғдиёна” МЧЖда жорий йилнинг 1 январдаги маблағлар ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг қиймати

Хўжалик маблағлар ва уларни ташкил манбалари	Сумма (минг сўмда)
1. Идора биноси	8400
2. Хомаше	1475
3. Устав капитали	600737
4. Уриш машиналари	5725
5. Ердамчи хўжаликдаги икки ёшдан каттарок бузоқлар	11620
6. Келгуси харажатлар резервлари	3400
7. Резерв капитали	18000
8. Келгуси давр харажатлари	38200
9. Ходимларга иш ҳаки бўйича карздорлик	9022
10. Тракторлар	27676
11. Мол етказиб берувчиларга карздорлик суммаси	550
12. Банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги пуллар	86715
13. Қўшимча капиталлар	6406
14. Мақсадли молиялаштириш	26615
15. Кассадаги нақд пуллар	494
16. Ердамчи хўжаликдаги кишлоқ хўжалиги машиналари	11500
17. Ердамчи хўжаликдаги бузоқлар учун емлар	11773
18. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари	54200
19. Ҳисобдор шахснинг карздорлиги	41
20. Банкдаги маҳсус счёtlардаги пул маблағлари	36100

21. Пудратчиларга карздорлик	17640
22. Асосий воситаларнинг амортизацияси	71270
23. Йўлдаги пул маблағлари	30218
24. Ёрдамчи хўжаликдаги зотдор кора моллар	52400
25. Банкнинг киска муддатли карзлари	4120
26. Курилиш материаллари	41487
27. Ёрдамчи хўжаликдаги мевали бοғ	41540
28. Бошка асосий воситалар	215476
29. Тайёр маҳсулотлар	12580
30. Тугалланмаган ишлаб чикариш	14000

Топширик. “Сўғдиёна” МЧЖ маълумотлари асосида корхонанинг ҳисобот даври бошидаги балансини тузинг.

16-масала.

Максад – хўжалик жараёнлари (операциялари) таъсири остида балансдаги ўзгаришларини ўрганиш.

Вазифа – балансдаги ўзгаришларни акс эттириш.

Масалани ечиш учун маълумотлар.

“Сўғдиёна” МЧЖ да жорий йилнинг январидаги хўжалик жараёнлари:

1. Кассага ҳисоб-китоб счётидан пул олиб келинди.
2. Кассадан ходимларга иш хақи берилди.
3. Фойданинг бир қисми устав капиталига йўналтирилди.
4. Фойда ҳисобидан резерв капитали кўпайтирилди.
5. Мол етказиб берувчилардан эҳтиёт қисмлар кабул қилинди.
6. Эҳтиёт қисмлар учун мол етказиб берувчилардан олинган счётлар тўланди.
7. Ишлаб чикаришдан тайёр маҳсулот омборга қабул қилинди.
8. Омбордан тайёр маҳсулотлар хардорларга ортиб жўнатилди.
9. Иш хақидан соликлар ушлаб қолинди.
10. Банк кредитлари бўйича қарздорлик суммаси тўланди.

Топширик. Келтирилган жадвалда хўжалик операциялари асосида балансдаги ўзгаришларни акс эттиринг.

Мазмуни	Ўзгаришлар тури (+;-)	
	Активда	Пассивда
1. Кассага ҳисоб-китоб счётидан пул олиб келинди	+ , -	+A - A = П
2. Кассадан ходимларга иш хақи берилди	-	- A = - П

3. Фойданинг бир кисми устав капиталига йўналтирилди			
4. Фойда ҳисобидан резерв капитали кўпайтирилди			
5. Мол етказиб берувчилардан эхтиёт кисмлар кабул килинди			
6. Эхтиёт кисмлар учун мол етказиб берувчилардан олинган счёtlар тўланди			
7. Ишлаб чикаришдан тайёр маҳсулот омборга кабул килинди			
8. Омбордан тайёр маҳсулотлар хардорларга ортиб жўнатилди			
9. Иш хакидан солиқлар ушлаб колинди			
10. Банк кредитлари бўйича карздорлик суммаси тўланди			

З-мавзу. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ 17-масала.

Мақсад – корхона кассаси жараёнларини рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибини ўрганиш.

Вазифа – кассадаги пул маблағларини рўйхатдан ўтказиш натижалари бўйича далолатнома тузиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Жорий йилнинг 10 марта “Тонг” ОАЖ кассасидаги маблағларни рўйхатдан ўтказиш амалга оширилган. Комиссия жорий йилнинг 9 марта даги 1-сонли буйруқка асосан ташкил этилган.

Хужжатларнинг охирги тартиб рақамларилари:

- касса киримники - 20;
- касса чиқимники - 40.

Кун бошидаги пул маблағлари қолдиги - 1575 сўм.

Кирим ҳужжатлари бўйича келиб тушган - 5554867 сўм.

Чиқим ҳужжатлари бўйича берилган - 5559943 сўм

Рўйхатдан ўтказиш натижасида _____ сўм нақд пул маблағлари борлиги аниқланди.

Комиссия раиси: Сайдов Н.Т.

Комиссия аъзолари: Одилов Я.Н., Мараҳимов В.Н.

Кассир: Жасуров Н.К.

Топширик. Келтирилган маълумотлар асосида кассадаги пул маблағларини рўйхатдан ўтказиш натижалари бўйича далолатнома тузинг.

18-масала.

Максад – корхонанинг пул маблағлари хисобини ўрганиш.

Вазифа – хўжалик жараёнларини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона 3200 000 сўмлик маҳсулот сотди. Одди-сотди шартномасининг шартига кўра оловчи тўловнинг 50 % олдиндан тўлагандан сўнг маҳсулотни юклаб жўнатиш амалга оширилди.

Топширик. Қўйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Харидордан аванс тушиши акс эттирилди			
2.	Маҳсулотни юклаб жўнатгандан сўнг харидордан якуний тўлов келиб тушиши акс эттирилди			

19-масала.

Максад – корхонанинг пул маблағлари хисобини ўрганиш.

Вазифа – пул маблағлари бўйича операцияларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириши.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона кассасига ходимларнинг иш хақини тўлаш учун 9200000 сўм миқдорида пул маблағлари келиб тушди. Иш хақини тарқатиш тўлов қайдномаси бўйича З қунлик муддатда кассир томонидан амалга оширилади. Бу муддатнинг ўтиши билан 65000 сўмлик олинмаган сумма миқдори депонент қилинган.

Топширик. Қўйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Корхона кассасига иш хақини тўлаш суммаси кабул қилинди			
2.	Корхона ходимларига кассадан иш хақи тўланди			
3.	Банкка депонентланган иш хақи топширилди			
4.	Тўланмаган иш хақи депонентга ўтказилди			

20-масала.

Максад – корхонанинг пул маблағлари хисобини ўрганиш.

Вазифа – хориж валюта бўйича операцияларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“ABC” МЧЖ чет эллик мол етказиб берувчи билан 5000 долларлик суммага муҳофазаланган дискларни сотиб олишга шартнома тузди.

Конвертация учун маҳсус счётга 8725000 сўм ўтказди. Ваколатли банкка буюртмада 1 доллар учун хориж валютасини сотиб олишнинг чегаравий курси - 2345 сўм деб кўрсатилган. Хориж валютаси 1 доллари 2340 сўм курс бўйича сотиб олинди. ЎзР МБнинг валюта сотиб олиш санасига доллар курси 2343 сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасининг валюта сотиб олиш учун комиссия мукофоти сотиб олинаётган валюта умумий суммасини 0,2 %, банкники эса 2 % ташкил этади.

Топширик: Куйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счётлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Хориж валютасини сотиб олиш учун ўтказиб берилган сўмлар акс эттирилди			
2.	ЎзР МБ курсидан юкори бўлган курс бўйича хориж валютасини сотиб олиш акс эттирилади			
3.	Курс фарқи акс эттирилди			
4.	ЎзР МБ ва банк воситачилик ҳакининг банк томонидан ушлаб қолиниши			
5.	Валюта маблағлари дискларни етказиб берувчига ўтказилди			

21-масала.

Мақсад – корхонанинг пул маблағлари ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – пул маблағлари ва курс фарқи бўйича операцияларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона ходимни Москвага 10 кунга хизмат сафарига юбормоқда. Корхона банкка 2000 АҚШ долларини сотиб олишга зарур бўлган хужожатларни илова қилган ҳолда буюртма берди. 2013 йил 25 майда корхона кассасига 2000 АҚШ доллари келиб тушди ва ўша куниёқ хизмат сафарига кетаётган ходимга кунлик

харажатлар сифатида ва меҳмонхонага тўлаш учун ҳисоб бериш шарти билан берилди.

Валюта сотиб олиш учун корхона томонидан маҳсус ҳисоб счётига 1 500 минг сўм ўтказилди. Хориж валютаси 1 доллар учун 23 740 сўм курси бўйича харид қилинди. Валюта сотиб олинган санадаги ЎзР МБ доллар курси 1 доллар учун 2345 сўмни ташкил этган.

Топширик. Қўйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Хориж валютасини сотиб олиш учун ўтказиб берилган сумма акс эттирилди			
2.	ЎзР МБ курсидан куйи бўлган курс бўйича хориж валютасини сотиб олиш акс эттирилди			
3.	Курс фарки акс эттирилди			
4.	Корхона кассасига валюта маблағлари кирим қилинди			
5.	Хизмат сафари харажатларига валюта маблағлари берилди			

22-масала.

Максад – корхонанинг пул маблағлари ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – пул маблағлари бўйича операцияларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона хориж компаниясига маркетинг хизмат кўрсатди. Шартнома бўйича хизмат ҳаки КҶС ҳисобга олинган ҳолда 5 000 АҚШ долларини ташкил этди. Буюртмачи олдинги ойда АҚШ долларида 100 % олдиндан тўловни амалга ошириди.

Доллар курси: пул келиб тушиш вактига – 2340 сўмни;

Ой охирига – 2345 сўмни;

Хизматлар бажарилганлиги тўғрисидаги баённомани имзолаш вактида – 2350 сўмни ташкил этди.

Топширик. Қўйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Олдиндан тўловни олиш акс эттирилди			
2.	Ойнинг охирига санасига: кредиторлик			

	қарзини қайта баҳолаш			
3.	Ойнинг охирида: валюта счётидаги маблагларни қайта баҳолаш			
4.	Копланиш санасига: кредиторлик қарзини қайта баҳолаш			
5.	Валюта счётидаги маблаглар бўйича курсдаги фарқларни ҳисобдан чиқариш			
6.	Маркетинг хизматлари сотилиши акс эттирилди			
7.	Кўрсатилган хизматларга КҶС ҳисобланди			
8.	Аванснинг ҳисобга олиниши			

23-масала.

Мақсад – турли ҳисоб-китоблар ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – хорижий валютадаги ҳисоб-китоблар бўйича операцияларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Пахта тозалаш корхонаси хорижий компанияга ўз ишлаб чиқариш маҳсулотини сотди. Олди-сотди шартномасига кўра маҳсулот киймати 3 000 АҚШ долларини ташкил этди. Харидор пахта тозалаш заводи билан кейинги ойда тўлиқ ҳисоб-китоб қилди. Олди-сотди шартномасига кўра олдиндан тўлов маҳсулот кийматининг 50 % миқдорида амалга оширилган эди.

Доллар курси:

Олдиндан тўлов пайтида - 1 доллар учун 2350 сўмни;

Юклаб жўнатиш пайтида - 1 доллар учун 2355 сўмни;

Ой охирида - 1 доллар учун 2358 сўмни;

Пуллар валюта счётга келиб тушган пайтда - 1 доллар учун 2360 сўмни ташкил этган.

Топширик. Қуйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счётлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Олдиндан тўловни олиш акс эттирилди (50 %)			
2.	Маҳсулотни сотиш акс эттирилди			
3.	Олинган аванс бўйича курс фарки акс эттирилди			
4.	Олинган аванс ҳисобдан чиқарилди			
5.	Ой охирида дебиторлик карз қайта баҳоланди			
6.	Ой охирида хорижий валютадаги пул маблаглари бўйича курс фарки акс эттирилди			

7.	Коплаш пайтида дебиторлик карзи бўйича курс фарки акс эттирилди			
8.	Тўловни олиш акс эттирилди			
9.	Дебиторлик карзини коплашда жамғариш усули бўйича курс фаркини хисобдан чикариш акс эттирилди			

24-масала.

Максад – турли хисоб-китоблар ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – олинган жорий аванслар бўйича операцияларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона офис мебелини ККС хисобга олинган холда 640000 сўмга сотди.

Шартномага кўра, мебель харидорга у томонидан 50 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг топширилади.

Мебелнинг бошлангич киймати 700000 сўм. Мазкур асосий воситалар обьекти бўйича хисобланган амортизация 96000 сўмни ташкил килади. 8510-счётнинг кредит томонидан сальдо - 10000 сўм.

Топширик. Қуидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Офис мебели етказиб берилиши учун харидордан аванснинг келиб тушиши акс эттирилди			
2.	Сотилган мебел учун авансни хисобга олиниши акс эттирилди			
3.	Сотилган мебел учун харидорнинг карзи акс эттирилди			
4.	Мебелни сотиша ККС бўйича бюджет олдидаги карзи акс эттирилди			
5.	Сотилган мебелнинг бошлангич киймати хисобдан чиқарилди			
6.	Мебелни кайта баҳолаш сальдоси хисобдан чиқарилди			
7.	Сотилган офис мебели учун харидордан якуний тўлов келиб тушиши акс эттирилди			
8.	Сотишдан молиявий натижага акс эттирилди			

25-масала.

Максад – хар хил хисоб-китоблар ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича операцияларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхонанинг маркетинг бўлими ходими январь ойи учун 520 000 сўм иш ҳақи; йил якунлари бўйича 250 000 сўм мукофот олди. Январь ойи учун шкала бўйича ҳисобланган даромад солиги суммаси 169400 сўмни ташкил қилди.

Бундан ташқари ҳисобланган суммалардан 6 % ставка бўйича иш ҳақидан пенсия фонди бадаллари ушлаб қолинди.

Топширик. Куйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмuni	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Январ ойи учун иш ҳақи ҳисобланди			
2.	Йил якунлари бўйича мукофот ҳисобланди			
3.	Иш ҳақидан даромад солиги ҳисобланди			
4.	Иш ҳақидан пенсия фонди бадаллари ушланди			
5.	Даромад солиги бўйича қарзни қоплаш акс эттирилди			
6.	Пенсия фонди бадаллари тўланди			
7.	Иш ҳақи ва мукофот тўланди			

26-масала.

Мақсад – турли ҳисоб-китоблар ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – сугурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар бўйича операцияларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Январь ойида ишлаб чиқариш бўлими ходимларига 12000000 сўм микдорида иш ҳақи ҳисобланди. Ягона ижтимоий тўлов 25 % ставка бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ҳисобланади. Бундан ташқари корхона бухгалтерияси ходимларнинг иш ҳақидан 6 % ставка бўйича мажбурий пенсия фонди бадалларини ушлаб колди.

Топширик. Куйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмuni	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Ишчиларга иш ҳақи ҳисобланди			
2.	Меҳнат ҳақига нисбатан ягона			

	ижтимоий тўлов ҳисобланди		
3.	Пенсия жамғармаси бадаллари ушлаб қолинди		
4.	Даромад солиги ҳисобланди		
5.	Ягона ижтимоий тўлов бўйича карз-ларни тўлаш акс эттирилди		
6.	Пенсия фонди бадаллари ўтказилди		
7.	Иш хаки тўланди		

27-масала.

Максад – турли ҳисоб-китоблар ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – дивидендлар ҳисоблаш бўйича операцияларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Акциядорлик жамияти 10000000 сўм микдорида дивидендларни тайёр маҳсулотлар билан тўлашга карор қилди. Ҳар бир тайёр маҳсулотнинг таннархи 80000 сўмни ташкил этади.

Топширик. Кўйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счётлар коррес- понденцияси	
			дебет	кредит
1.	Дивидендлар ҳисобланди			
2.	Дивидендлардан солик ушлаб қолинди			
3.	Дивидендлардан солик ўтказилди			
4.	Маҳсулотларни сотищдан КҶС ҳисобланди			
5.	Маҳсулотларнинг сотилиши акс эттирилди			
6.	Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди			

4-мавзу. МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ

28-масала.

Максад – материаллар ҳаракатини ҳужожатлаштириш ва ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – материаллар ҳаракатини балансда акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

1. “ФАЙЗ” корхонасининг 2013 йил 1 январь ҳолатига баланси

2. Бўёқнинг 2013 йил 1 январгача бўлган қолдиги 114 кг (421800 сўм).

Январь ойидаги хўжалик операциялари.

1. Корхона 3 январда 1000 кг бўёқ сотиб олди, 1 кг бўёқ нархи 3700 сўмни ташкил этади.

- Ушбу 1 кг бўёкнинг 617 сўмини ККС ташкил этади.
- Ташиб келтириш харажатлари 30 000 сўмни, шу жумладан ККС 6 000 сўмни ташкил этган.
- 10 январь куни 100 кг бўёк ишлаб чиқаришга берилди.
- 15 январь куни етказиб берувчига бўёк суммаси ўтказиб берилди.
- 20 январь куни 150 кг бўёк ишлаб чиқаришга берилди.
- 22 январь куни ҳисобланган ККС суммаси бюджетга ўтказиб берилди.

Актив	Сумма (минг сўм хисобида)	Пассив	Сумма (минг сўм хисобида)
1. Асосий воситалар	35000	1. Устав капитали	40000
2. Материаллар	10000	2. Фойда	3000
3. Касса	100	3. Банкнинг киска муддатли кредити	2000
4. Ҳисоб-китоб счёти	4000	4. Ходимлар билан иш ҳаки бўйича ҳисоб-китоблар	500
5. Омбордаги тайёр маҳсулот	900	5. Мол етказиб берувчилар ва пурратчилар билан ҳисоб-китоблар	4500
Баланс	50 000	Баланс	50 000

1-топширик. Корхонанинг 1 январь ҳолати баланси маълумотларидан фойдаланиб ишчи счётлар очинг.

2-топширик. Январь ойида амалга оширилган операцияларни оборот ведомостида ва бухгалтерия ҳисобида акс эттиринг.

3-топширик. Корхонанинг 1 февраль ҳолатига бухгалтерия балансини тузинг.

29-масала.

Мақсад – омбордаги материалларни инвентаризация қилиш натижаларини қайдномаларда расмийлаштириш тартибини ўрганиш.

Вазифа – белгиланган тартибда балансдаги маблағлар рўйхатини тузиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Тонг” ОАЖ нинг эҳтиёт қисмлари сакланадиган омборда бош мухандис - В.А Пулатов, ҳисобчи- Т.П. Шарипов, механик - И.И. Расулов таркибидаги комиссия омбор мудири А.И. Маматов иштирокида омборда эҳтиёт қисмлар борлиги текширилган. Текшириш натижасида четга чиқишлилар аниқланган (киёслаш қайдномасига каранг).

Маблағларнинг ҳақиқий мавжудлигини ҳисоб маълумотларидан фаркланиши қуйидаги сабабларга боғлиқ:

1)радиаторлар, шестерналар, фильтрлар ва ён томон ойналари оптикалиги ҳисобот ойидан корхона ходимлари томонидан харид килингандиги ҳақида ҳужжатлар ўз вактида тақдим этилмаганлигидан келиб чиқкан;

2)калодкаларнинг камомади, ҳали уларнинг ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштирасдан туриб берилганинидан келиб чиқкан;

3)омбор мудири томплер ва помлерларнинг камомади сабабларини изохлаб беролмаган.

Қиёслаш қайдномаси

Эҳтиёт кисмларнинг номи	Нарх	Мавжудлиги аниқланган		Ҳисоб маълумотлари бў- йича мавжуд		Натижা			
		Сони	Сумма (сўмда)	Сони	Сумма (сўмда)	Сони	Сумма (сўмда)	Сони	Сумма (сўмда)
1. Коръбюраторлар	2300	5		5					
2. Ярим ўклар	12000	3		4					
3. Радиаторлар	32000	2		3					
4. Тормоз калодкалари	8000	6		5					
5. Фаралар	11222	6		6					
6. Олдинги ойна	67900	3		3					
7. Шестерналар	39766	10		12					
8. Тамплерлар	38005	8		7					
9. Фильтрлар	46660	10		11					
10. Прокладкалар	2000	15		17					
11. Поршинлар	27008	10		9					
12. Ён томон ойналари	12060	7		9					

1-топшириқ. Амалга оширган рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари бўйича ОАЖ раҳбари кандай карор қабул қилиш кераклигини кўрсатинг.

2-топшириқ. Инвентаризация натижаларини бухгалтерия ҳисоби ёзувида акс эттиринг.

30-масала.

Максад – материаллар ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона февраль ойининг 2-санасида банкдан 12 ой муддатга 10000000 сўм микдорда кредитни расмийлаштиради. Кредит хомашё етказиб берувчига тўлаш учун йўналтирилади. Шартномага кўра, фоизлар ҳар ойда 20 % йиллик ставкадан келиб чиқиб тўланади. Шундан сўнг 5 февралда 2500000 сўмлик материал сотиб олинди ва юк хатига асосан омборга қабул қилинди. Мол етказиб берувчининг счёти тўлаш учун қабул қилинди.

Топшириқ. Қуйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар коррес- понденцияси	
			дебет	кредит
1.	Банкдан кредит олинди			
2.	Мол етказиб берувчининг счёт фактураси асосида материалларни харид қилиш акс эттирилди			
3.	Мол етказиб берувчининг счёти тўлаш учун қабул қилинди			
4.	Мол етказиб берувчига тўлов амалга оширилди			
5.	Банк кредити бўйича тўланиши лозим бўлган фоизлар ҳисобланди			
6.	Банк кредити бўйича фоизлар тўланди			

31-масала.

Мақсад – материалларни баҳолаш ва ҳисобга олишни ўрганиш.

Вазифа – хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Файз” ишлаб чиқариш корхонасида қуйидаги хўжалик жараёнлари амалга оширилган:

- ҳисбот ойининг биринчи санасига омборда 125 метр материал мавжуд бўлиб, 1 метр материалнинг қиймати 2500 сўмни ташкил этади;

- ойининг 3-санасида 600 метр материал харид қилинди, бир метр материалнинг қиймати 2600 сўм;

- ойининг 11-санасида 500 метр материал харид қилинди, бир метр материалнинг қиймати 2550 сўм;

- ойининг 16-санасида 100 метр материални 2700 сўмдан сотиб олди.

Материални ишлаб чиқаришга бериш бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- ҳисобот ойининг 4-санасида 130 метр материал берилган;
- ойнинг 13-санасида 70 метр материал берилган;
- ойнинг 20-санасида эса 50 метр материал ишлаб чиқаришга берилган.

1-топширик. Ишлаб чиқаришга берилган материалларни AVECO, FIFO ва LIFO усуллари бўйича баҳоланг.

2-топширик. Ҳисобот ойи охирида омборда мавжуд колдиқни ҳар учала усул бўйича ҳисобланг.

5-мавзу: АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ

32-масала.

Мақсад – асосий воситаларни гурухлашни ўрганиш.

Вазифа – асосий воситаларни турлари бўйича гурухларга ажратиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Жорий йилнинг 1 январида. «Металгаз» масъулияти чекланган жамиятнинг маблағлари мавжудлиги ва манбалари

Ҳўжалик маблағлари ва мянбаларининг номи	Сумма (минг сўмда)
1. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун патент	2303
2. Устав капитали	49681
3. Юқ автомобилълари	6796
4. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар	425
5. Тракторлар	4522
6. Автомашиналар учун гараж	2332
7. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари	1988
8. Фрезерли дастгоҳлар	2157
9. Кўп йиллик дараҳтлар	1973
10. Ҳўжаликка тегишли бўлган асбоблар-ускуналар	2253
11. Таъмиглаш устахонасининг биноси	5500
12. Компьютерлар	1000
13. Кассадаги пул маблағлари	198
14. Ёқилғи	445
15. Идора биноси	3438
16. Иссикхона мўрилари	2265
17. Пўлат тунука	886
18. Валюта счёти	895
19. Том ёладиган тунука	355
20. Тайёр маҳсулотлар	245
21. Корхонанинг солиқлар ва йигимлар бўйича карзи	802

22. Идишлар	853
23. Қурилиш материаллари	672
24. Нефть маҳсулотлари	1742
25. Цех биноси	6827
27. Бўёклар	285
28. Кредиторлар билан хисоб-китоблар	822
29. Эҳтиёт кисмлар	7356
30. Бошқа ишлаб чиқариш бинолари	368
31. Материаллар	98
32. Ҳисобдор шахслар томонидан қарздорлик суммаси	177
33. Қисқа муддатли молиявий кўйилмалар	150
35. Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари	3324
36. Тайёрлаш ташкилотларининг қарздорлиги	597
37. Ходимлар билан иш ҳаки бўйича ҳисоб-китоблар	4100
38. Фойда	4276
39. Корхонанинг сугурта ва таъминот бўйича қарздорлиги	525
40. Бошқа ишлаб чиқариш захиралари	4174
41. Акционерлардан харид қилинган шахсий акциялар	517
42. Резерв капитали	112
43. Бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар	781
44. Кўшимча капиталлар	828
45. Асосий ишлаб чиқариш	3254

Топшириқ. Берилган маълумотлардан фойдаланиб қуидаги жадвал асосида «Металгаз» масъулияти чекланган жамиятнинг асосий воситаларини турлари бўйича гурухларга ажратинг:

Банкни, ишшоитлар ва узатувчи мосламалар	Сумма (минг сўмда)	Транспорт воситалари	Сумма (минг сўмда)	Машинни ва ишбоб-ускуналар	Сумма (минг сўмда)	Мебель ваофис жиҳозлари	Сумма (минг сўмда)	Компьютер жиҳозлари ва хисоблаш техникаси	Сумма (минг сўмда)	Кўп юйлик ўсим инш.лар	Сумма (минг сўмда)	Ишчи ва маҳсулдор хайончлар	Сумма (минг сўмда)	Бошқа асосий воситалар	Сумма (минг сўмда)
1. Идора биноси	3438														
2.															
жами															

33-масала.

Мақсад – асосий воситаларни баҳолаш усулларини ўрганиш.

Вазифа – асосий воситаларнинг бошлангич баҳосини аниклаш ва бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона капитал қўйилмалари ҳисобидан фрезерли дастгоҳ сотиб олди. Дастгоҳни сотиб олиш баҳоси 3499905 сўм, таъминотчининг хизмат сафари харажатлари 106445 сўмни ташкил қилди, олиб келиш ва юклаб-тушириш харажатлари 367890 сўм, дастгоҳни ўрнатиш харажатлари 109700 сўм, эскириш меъёри 8 %, омбор мудирининг ойлик иш хақи 565499 сўм.

1-топширик. Берилган маълумотлар асосида дастгоҳнинг бошлангич баҳосини аникланг.

2-топширик. Дастгоҳни бошлангич баҳода қабул килиш жараёни бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттиринг.

34-масала.

Мақсад – асосий воситаларни баҳолаш усулларини ўрганиш.

Вазифа – асосий воситаларнинг қолдик баҳосини аниклаш ва бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона капитал қўйилмалари ҳисобидан 2011 йил январь ойида МАН русумли юк автомашинасини сотиб олди. Автомашинанинг бошлангич баҳоси 54989050 сўм, хайдовчининг ойлик иш хақи 665490 сўм, эскириш меъёри 15 %. 2013 йил марта ушбу юк автомашинаси бошқа корхонага қолдик баҳода сотилди.

1-топширик. Берилган маълумотлар асосида юк автомашинасининг қолдик баҳосини аникланг.

2-топширик. Юк автомашинасининг қолдик баҳосини аниклаш бўйича жараёнларни бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттиринг.

35-масала.

Мақсад – асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибини ўрганиш.

Вазифа – хориждан сотиб олинган асосий воситаларнинг бошлангич баҳосини аниклаш ва бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона хориж технологиясидаги ускунани харид килади. Олди-сотди шартномасида ускуна баҳоси 16 000 АҚШ долларида кўрсатилган. Тўлов шартномага кўра, тўлов кунидаги ЎзР МБ курси бўйича сўмда амалга оширилади.

АҚШ доллари курси:

Тұлов куніда 1 АҚШ доллары курси - 2374 сүм;

Усқуна кирим қилған кунда 1 АҚШ доллары - 2375 сүмни ташкил қылди.

1-топшириқ. Усқунанинг бошланғич баҳосини аникланг.

2-топшириқ. Усқунанинг бошланғич баҳосини аниклаш ва кирим қилиш бүйіча жараёнларни бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириңг.

36-масала.

Мақсад – асосий воситаларни ҳисобға олиш тартибини үрганиш.

Вазифа – асосий воситаларни сотиб олиш жараёнини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун мәтілумотлар.

Корхона март ойіда қиймати ҚҚС ҳисобға олинған ҳолда 12000000 сүмни ташкил эттан енгил автомобильни харид қылды. Автомобильни Давлат йүл хизмати ташкилотлари ва нотариусда рўйхатдан ўтказиш бүйіча хужожатларни расмийлаштириш харажатлари 120000 сүмни ташкил этди. Йүл жамғармасига 720000 сүм йиғим тўпланди.

Автомобиль баҳоси бўлиб-бўлиб тўланади: автомобиль кийматининг 30 % и мартда, кейинги 30 % - апрелда, қолган 40 % майда ўтказилади.

Корхона тўловни бўлиб-бўлиб тўлаганлиги учун сотувчига йиллик 23 % ҳисоб-китобдан келиб чиққан ҳолда 483000 сүм микдорида ҳак тўлаши лозим.

Топшириқ. Куйидаги жадвални тўлдириңг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сүмда)		Счёtlар корреспонденцияси	
		дебет	кредит		
1.	Сотиб олинған автомобиль кабул қилиб олинди				
2.	Март ойіда сотувчига автомобиль кийматининг бир қисми тўланди				
3.	Автомобиль харид кийматидан мажбурий тўловлар тўланди (6 %)				
4.	Автомобильни рўйхатдан ўтказиш харажатлари ҳисобдан чиқарилди				
5.	Автомобиль фойдаланишга топширилди				
6.	Апрель ойіда автомобиль сотувчисига тўлов				

	амалга оширилди			
7.	Май ойида автомобиль сотувчисига тўлов амалга оширилди			
8.	Тўловни бўлиб-бўлиб тўлаганлик учун апрелда сотувчига тўланиши лозим бўлган фоизлар акс эттирилди			

37-масала.

Максад – асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартибини ўрганиш.

Вазифа – асосий воситаларга тўғри чизикли усул бўйича эскириш ҳисоблаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Дастгохнинг бошлангич қиймати 10000000 сўм, унинг 5 йиллик фойдаланиш муддати охиридаги тугатиш қиймати 1000000 сўм, хизмат муддати 5 йил.

1-топширик. Дастгохга беш йил мобайнода эскириш ҳисоблашни тўғри чизикли усул бўйича куйидаги тарзда акс эттиринг:

2-топширик. Эскириш суммасини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттиринг.

Даврлар	Бошлангич қиймати	Ииллик эскириш суммаси	Жамланган эскириш суммаси	Колдик қиймати
Сотиб олиш санасига	10000000	-	-	10000000
1 – йил охири				
2 – йил охири				
3 – йил охири				
4 – йил охири				
5 – йил охири				

38-масала.

Максад – асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартибини ўрганиш.

Вазифа – асосий воситаларга бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда эскириш ҳисоблаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Дастгохнинг дастлабки қиймати 10000000 сўм, унинг 5 йиллик фойдаланиш муддати охиридаги тугатиш қиймати 1000000 сўм, хизмат муддати – 5 йил. Дастгох 9000 соатда муайян микдордаги операцияларни бажаради.

1-топширик. Бир соатга бўлган эскириш харажатлари суммасини аниқланг.

2-топширик. Дастгоҳга беш йил мобайнида эскириш ҳисоблашни куйидаги тарзда акс эттиринг:

Даврлар	Бошланғич қиймати	Соат	Ишлик эски- риш суммаси	Жамланган эс- кириш суммаси	Қолдик қиймати
Сотиб олиш санасига	10000000	-	-	-	10000000
1 – Йил охирини		2000			
2 – Йил охирини		3000			
3 – Йил охирини		1000			
4 – Йил охирини		2000			
5 – Йил охирини		1000			

39-масала.

Мақсад – асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартибини ўрганиш.

Вазифа – асосий воситаларга қолдиқни камайтириш усули бўйича эскиришни ҳисоблаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Дастгоҳнинг бошланғич қиймати 10000000 сўм, унинг 5 йиллик фойдаланиш муддати охиридаги тугатиш қиймати 1000000 сўм, хизмат муддати 5 йил.

Мазкур усулда эскиришнинг икки баравар ставкаси кўлланади.

Топширик. Дастгоҳга беш йил мобайнида эскириш ҳисоблашни қолдиқни камайиб бориш усули бўйича эскириш ҳисбланг:

Даврлар	Бошланғич қиймати	Ишлик эски- риш суммаси	Жамланган эс- кириш суммаси	Қолдик қиймати
Сотиб олиш санасига	10000000	-	-	10000000
1 – Йил охирини				
2 – Йил охирини				
3 – Йил охирини				
4 – Йил охирини				
5 – Йил охирини				

40-масала.

Мақсад – асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартибини ўрганиш.

Вазифа – асосий воситаларга йиллар йигиндиси (кумульятив) усули бўйича эскириш ҳисоблаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Дастгохнинг дастлабки киймати 10 000 минг сўм, унинг 5 йиллик фойдаланиш муддати охиридаги тутатиш киймати 1 000 минг сўм, хизмат муддати – 5 йил.

Топширик. Дастгохга беш йил мобайнида йиллар йигиндиси (кумульятив) усули бўйича эскириш ҳисобланг:

Даврлар	Бошланғич киймати	Йиллик эски- риш суммаси	Жамланган эс- кириш суммаси	Колдик киймати
Сотиб олиш санасига	10000000	-	-	10000000
1 – йил охири				
2 – йил охири				
3 – йил охири				
4 – йил охири				
5 – йил охири				

41-масала.

Максад – номоддий активларни ҳисобга олиш тартибини ўрганиш.

Вазифа – номоддий активларни гурухлаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Тонг” ишлаб чиқариш корхонаси жорий йилнинг 1 январига бўлган маблағлари ва ташкил топиш манбалари рўйхати.

Хўжалик маблағлари ва манбалари номи	Сумма (минг сўмда)
1. Омборхона биноси	30000
2. Цех биноси	50000
3. Идора биноси	26850
4. Жамгарма банкидаги хисоб ракамдаги пуллар	15400
5. Юк автомобилълари	34600
6. Хомашё	2800
7. Устав капитали	197000
8. Ёрдамчи хўжалигидаги она қўйлар ва қўчкорлар	10200
9. Асосий воситаларнинг эскириши	65000
10. Фойда	80000
11. Ноу-хау	3500
12. Касса	80
13. Банкларнинг киска муддатли кредитлари	55000
14. Ходимлар билан иш хаки бўйича хисоб-китоблар	65000
15. Ер ва табият ресурсларидан фойдаланиш ҳукуки	10850
16. Тракторлар	15220
17. Дастгохлар	45000
18. Савдо маркаси	40000
19. Корхонага харидор ва буюртмачиларнинг карздорлиги	80000

20. Дастурий таъминот	15200
21. Курилиш материаллари	12000
22. Идиш материаллар	15000
23. Иссиқлик қувуллари	85000
24. Франчайз	20000
25. Мойлаш материаллари	40000
26. Банкнинг узок муддатли кредитлари	21000
27 Тайёр маҳсулотлар	44000
28. Келгуси харажатларга резервлар	11000

Топширик. “Тонг” ишлаб чиқариш корхонаси номоддий активларининг таркибини аникланг:

Счёт рәқами	Номоддий активларни номи	Қиймати (минг сўмда)

42-масала.

Мақсад – номоддий активларни хисобга олиш тартибини ўрганиш.

Вазифа – номоддий активлар харакатини бухгалтерия хисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Тонг” ишлаб чиқариш корхонаси жорий йилнинг январь ойида 6400000 сўмга икки йил муддатга “Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш хукуқи”ни сотиб олди, устав капиталига улуш сифатида дастурий таъминот кирим қилинди (ҳақиқий қиймати 2300000 сўм, фойдаланиш муддати бир йил), хисобот йилининг охирида номоддий активларга амортизация хисобланди.

1-топшириқ. Номоддий активларнинг турлари буйича хисобланган амортизация суммасини аникланг.

2-топшириқ. Куйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш хукуқи сотиб олинди			
2.	Устав капиталига улуш сифатида дастурий таъминот кирим қилинди			
3.	Сотиб олинган “Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш хукуқи”ни пули ўтказиб берилди			
4.	“Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш			

	хуқуки"га амортизация хисобланди			
5.	Амортизация суммаси ишлаб чикарилган махсулот таннархига ўтказилди			
6.	Устав капиталига улуш сифатида кабул килинган "Дастурий таъминот"га амортизация хисобланди			
7.	Хисобланган амортизация суммаси хисобдан чикарилди			

6-мавзу. МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ

43-масала.

Максад – иш ҳаки бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби тартибини ўрганиш.

Вазифа – асосий иш ҳакини ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

2013 йил март ойида 24 иш куни. Тикувчилик цехини ишчи иш ҳакининг "Соатбай" шакли асосида ишлайди. Олти соатлик иш кунининг тариф ставкаси - 8 650 сўм. Болалар ассортименти буюмларини тикиш бўйича режанинг бажарганилиги учун иш ҳакидан 12 % микдорида мукофот, ортиги билан бажаришнинг ҳар бир фоизи учун эса иш ҳакининг 0,7 % тўланади. Лекин ишчи сабабсиз бир кун ишга келмагалини сабабли режа бажарилган. Ҳисобланган иш ҳакидан белгиланган тартибда даромад солиги, пенсия фондига тўловлар ушланди ва колган сумма 2 апрель куни ишчига берилади.

1-топширик. Тикувчининг март ойидаги иш ҳакини ҳисобланг.

2-топширик. Ҳисобланган иш ҳакидан мажбурий тўловлар ва ишчига бериладиган сумма аникланг.

3-топширик. Иш ҳаки ҳисоблаш оerationяларини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттиринг.

43-масала.

Максад – иш ҳаки бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби тартибини ўрганиш.

Вазифа – қўшимча иш ҳакини ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона таъминотчиси 2013 йил май ойида 24 кун муддатга навбатдаги меҳнат таътилига чиқди. Ўтган даврда унга куйидаги тартибда иш ҳисобланган:

2012 йил май ойида - 660890 сүм;
2012 йил июнь ойида - 660890 сүм;
2012 йил июль ойида - 660890 сүм;
2012 йил август ойида - 793068 сүм;
2012 йил сентябрь ойида - 793068 сүм;
2012 йил октябрь ойида - 793068 сүм;
2012 йил ноябрь ойида - 793068 сүм;
2012 йил декабрь ойида - 793068 сүм;
2013 йил январь ойида - 793068 сүм;
2013 йил февраль ойида - 793068 сүм;
2013 йил март ойида - 793068 сүм;
2013 йил апрель ойида - 951681 сүм.

1-топширик. Таъминотчининг меҳнат таътили учун иш ҳақини хисобланг.

2-топширик. Ҳисобланган иш ҳақидан мажбурий тўловлар ва ходимга бериладиган сумма аниқланг.

3-топширик. Қўшимча ҳақни хисоблаш операцияларини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттиринг.

44-масала.

Мақсад – касаллик варагаси бўйича нафака ҳисоблаш ва хисобга олиш тартибини ўрганиш.

Вазифа – касаллик варагасига асосан нафака ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Ишчи 2013 йил май ойида 5 кун касал бўлган. Бу тўғрисида тибиёт муассасасидан берилган меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотиш тўғрисида касаллик варагаси ҳамда табелда ёзувлар бор. Узлуксиз иш стажи 6 йил. Ўтган даврда унга қўйидаги тартибда иш хисобланган:

2012 йил май ойида - 560890 сүм;
2012 йил июнь ойида - 640710 сўм;
2012 йил июль ойида - 580800 сўм;
2012 йил август ойида - 790035 сўм;
2012 йил сентябрь ойида - 693068 сўм;
2012 йил октябрь ойида - 593060 сўм;
2012 йил ноябрь ойида - 930629 сўм;
2012 йил декабрь ойида - 493066 сўм;
2013 йил январь ойида - 893000 сўм;
2013 йил февраль ойида - 993068 сўм;

2013 йил март ойида - 793090 сүм;
2013 йил апрель ойида - 651610 сүм.

1-топшириқ. Ишчининг касаллик кунлари учун хисобланг.

2-топшириқ. Нафака хисоблаш операцияларини бухгалтерия хисоби ёзувларида акс эттиринг.

45-масала.

Мақсад – иш хақи бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби тартибини ўрганиш.

Вазифа – инвентаризация натижасида аниқланган камомадни иш хақидан ушлаб колиш ва уни бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхонанинг материаллар омбори инвентаризация қилинганда 7 дона баҳоси 96000 сўмга эга эҳтиёт қисмлар етишмаслиги аниқланди. Камомад омборчининг айби билан содир бўлган ва уни тўлиқ моддий жавобгар шахсдан ундириб олишга қарор қилинган.

1-топшириқ. Камомад суммасини аниқланг.

2-топшириқ. Куйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счётлар коррес- понденцияси	
			дебет	кредит
1.	Камомад аниқланди			
2.	Аниқланган камомад моддий жавобгар шахс- нинг иш хақидан ушлаб колинди			
3.	Моддий жавобгар шахснинг иш хақидан уш- лаб колинган камомад суммаси хисобдан чи- карилди			

7-мавзуу: МОЛИЯВИЙ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ

46-масала.

Мақсад – молиявий қўйилмалар ҳисоби тартибини ўрганиш.

Вазифа – кимматли қоғозлар харакатини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириши.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

2012 йил январь ойида “КИМЁ” очик акционерлик жамияти устав фондига тенг микдорда ҳар бирининг баҳоси 1200000 сўмга тенг 1000 дона акция чикарди ва сотди. Акционерлар кенгашининг карори билан дивиденд микдори 20 % килиб белгиланди. 2013 йил

ноябрь ойида акционерлар кенгашининг қарори билан дивиденд микдори 15 % қилиб белгиланди. 2012 йил якуни бўйича акционерлик жамиятининг фойдаси 866660000 сўмлиги аниқланди.

1-топширик. “КИМЁ” очик акционерлик жамияти устав фонди микдорини аниқланг.

2-топширик. Дивиденд фоизини аниқланг.

3-топширик. Йил якунлари бўйича ҳар бир акция учун дивиденд суммасини аниқланг.

4-топширик. Куйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўм)	Счёtlар коррес- понденцияси	
			дебет	кредит
1.	Акция чиқарилди			
2.	Акция сотилди тўлиқ сотилди			
3.	Йил якунлари бўйича дивиденд хисобланди			
4.	Хисобланган дивиденд берилди			

47-масала.

Максад – молиявий қўйилмалар ҳисоби тартибини ўрганиш.

Вазифа – қимматли қофозлар ҳаракатини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона 2012 йил 1 майда “A” таъсисидан устав капиталига улуш сифатида акцияларни олди. Таъсисчиларнинг келишувига кўра, қиймати 1750 000 сўм бўлган акциялар 1900 000 сўмга баҳоланди. Шунингдек, корхона ҳадя шартномаси бўйича 1500 000 сўм суммада номинал қиймати бўйича акцияга эга бўлди.

1-топширик. Акцияларнинг харид нархи ва номинал қиймати ўртасидаги суммани аниқланг.

2-топширик. Куйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар коррес- понденцияси	
			дебет	кредит
1.	“A” таъсисчининг устав капиталига бўлган қарзи акс эттирилди			
2.	Устав капиталига улуш ҳисобига акцияларнинг келиб тушиши акс эттирилди			
3.	Акцияларнинг номинал ва харид қийматлари ўртасидаги фарқ ҳисобдан чиқарилди			
4.	Ҳадя шартномаси бўйича олинган акциялар кирим килинди			

48-масала.

Мақсад – молиявий кўйилмалар хисоби тартибини ўрганиш.

Вазифа – қимматли қоғозларни қайта баҳолашни бухгалтерия хисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона 2012 йил 1 июнда илгари “В” корхонадан сотиб олинган номинал киймати 20000 сўм бўлган 150 дона акцияни қайта баҳолашни ўтказди. Акцияни қайта баҳолаш пайтидаги киймати 1 донаси 20200 сўмни ташкил этган. Шунингдек, илгари сотиб олииган “С” корхонасининг номинал киймати 10500 сўм бўлган 100 дона акцияни қайта баҳолашдаги киймати 10 300 сўмни ташкил этди.

1-топшириқ. Акцияларнинг қайта баҳолашдаги қиматини аникланг.

2-топшириқ. Куйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	“В” корхонанинг акциялари қайта баҳолаш акс эттирилди			
2.	“В” корхонадан сотиб олинган акцияни қайта баҳолашдаги фарқ суммаси хисобга олинди			
3.	“С” корхонанинг акциялари қайта баҳолаш акс эттирилди			
4.	“В” корхонадан сотиб олинган акцияни қайта баҳолашдаги фарқ суммаси хисобга олинди			

49-масала.

Мақсад – молиявий кўйилмалар хисоби тартибини ўрганиш.

Вазифа – узок муддатли қимматли қоғозлар харакатини бухгалтерия хисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Нур” МЧЖ “КИМЁ” акционерлик жамияти облигацияларини 6000000 сўмга сотиб олди. Уларнинг номинал киймати 5000000 сўм. Облигациялар бўйича йиллик 20 % даромад ҳар олти ойда тўланиши мўлжалланган. Муомала даври 5 йил.

1-топшириқ. Узок муддатли қимматли қоғозлар харакатини бухгалтерия хисоби ёзувларида акс эттиринг.

2-топшириқ. Олти ойдан сўнг облигациялардан ойлик ставканинг ярми микдорида даромад ҳисобланг ва бухгалтерия

хисоби ёзувларида акс эттиринг.

3-топшириқ. Облигация сотиб олиш номинал қиймати ўртасидаги фаркни ҳисобланг ва бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттиринг.

4-топшириқ. Қолган тўрт йилга облигациянинг ҳақиқий ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қанча миқдорни ташкил этади ва ҳисобда қандай акс эттирилади.

5-топшириқ. Облигация бўйича ҳисобланган сумма ҳисобкитоб счётига келиб тушса қандай ҳисобга олинади?

8-мавзу. ТАЙЁР МАҲСУЛОТ (ИШ ХИЗМАТ)ЛАР ВА УЛАРНИНГ СОТИЛИШИ ҲИСОБИ

50-масала.

Максад – тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар ва уларнинг сотилиши ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – омборга топширилган тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхонанинг юмшоқ мебель тайёрлаш цехи жорий йилнинг апрель ойи охирида режадаги 100 дона мебель ўрнига айрим сабабларга кўра 94 дона мебелни тайёр маҳсулотлар омборига топширди. Апрель ойи бошида “Асосий ишлаб чиқарish” счётининг бош қолдиги нолга teng. Счётнинг дебет обороти 129 820 090 сўм, кредит обороти 122 030 884 сўм.

1-топшириқ. Жорий йилнинг апрель ойида омборга топширилган ҳар бир юмшоқ мебелнинг ҳақиқий таннархини аниқланг.

2-топшириқ. Жорий йилнинг апрель ойига тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархини аниқланг ва счётнинг таркибий тузилишини кўрсатинг.

51-масала.

Максад – тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар ва уларнинг сотиш ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – маҳсулотни сотиш билан боғлиқ хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона маҳсулот етказиб бериш шартномасига биноан харидорга жорий йилнинг март ойида 28000000 сўмлик

махсулотларни юклаб жўнатди, ККС 20 % ташкил этади. Маҳсулотларнинг ҳакиқий таннархи 25300000 сўмни ташкил этган. Харидор томонидан 100 % тўлов амалга оширилган.

Корхона март ойи учун куйидаги бюджетдан ташқари мажбурий ажратмалар хисоблади ва ўтказиб берди:

- бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратма бўйича 1,6 %;
- бюджетдан ташқари республика йўл жамғармасига ажратма 1,4 %;

- таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратма 0,5 %.

1-топширик. Белгиланган солик ва бошка бюджетдан ташқари мажбурий ажратмалар миқдорларини аниқланг.

2-топширик. Корхонанинг молиявий натижасини аниқланг.

3-топширик. Куйидаги жадвални тўлдиринг.

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар коррес- понденцияси	
			дебет	кредит
1.	Махсулот учун олдиндан 100 % тўлов амалга оширилди			
2.	Сотилган маҳсулотнинг ҳакиқий таннархи хисобдан чиқарилди			
3.	ККС хисобланди			
4.	Республика йўл жамғармасига ажратма ажратилди			
5.	Пенсия жамғармасига ажратма ажратилди			
6.	Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратма ажратилди			
7.	ККС ўтказиб берилди			
8.	Пенсия жамғармасига ажратилган ажратма ўтказиб берилди			
9.	Республика йўл жамғармасига ажратилган ажратма ўтказиб берилди			
10	Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратилган ажратма ўтказиб берилди			
11	Жорий йилнинг март ойида корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган молиявий натижаси аниқланди			

52-масала.

Мақсад – тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар ва уларнинг сотилиши ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – маҳсулотни сотиш билан боғлиқ хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва қўйидаги маҳсулот турларини, савдо пештахтаси, стол ва шкаф ишлаб чиқаради. Бир дона савдо пештахтаси баҳоси 900000 сўм, бир дона стол баҳоси 450000 сўм ҳамда бир дона шкаф 850 000 сўмни ташкил килади. Савдо пештахтаси 5 дона, стол 16 дона ва шкаф 4 дона сотилди. Акциз солиқ ставкаси 5 %. КҶС ставкаси 20 %. Транспорт харажатлари 865500 сўм.

1-топширик. Қўйидаги жадвалдан фойдаланиб, маҳсулотларни сотиш баҳоси ва КҶС, акциз соликлари миқдорини аникланг:

Товар номи	Миқдори (дона)	Баҳоси (сўмда)	Жами (сўмда)	Транспорт харажатлари (сўмда) (товарлар кийматига нисбатан мутносиб таксимланади)	Товарни етказиб бериш баҳоси	Акциз солиги (сўмда)	КҶС (сўмда)	КҶС билан товарнинг киймати
1	3	4	5	6	7	8	9	10
Савдо пештахтаси								
Стол								
Шкаф								
Жами:								

2-топширик. Қўйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўмда)	Счёtlар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Маҳсулот учун тўлов олдиндан амалга оширилди			
2.	Ортиб жўнатилган маҳсулот сотилган маҳсулот сифатида тан олинди			
3.	Сотилган маҳсулот қиймати ҳисобдан чиқарилди			
4.	КҶС ҳисобланди			

5.	Ақциз солиги хисобланған		
6.	Хисобланған соликлар үтказиб берилди		
7.	Транспорт харажатлари хисобдан чикарилди		
8.	Махсулот сотищдан олинган молиявий натижада аникланди		

9-мавзу. КАПИТАЛ, ФОНД ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ХИСОБИ

53-масала.

Максад – капитал, фонд ва молиявий натижалар хисобини ўрганиш.

Вазифа – хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталини шакллантириш тартиби ва уни бухгалтерия хисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Нур” акционерлик жамиятини ташкил этиш максадида устав капитали куйидаги тартибда шакллантирилди:

1. Ахмедов К.М. - 230000000 сўм.
2. Турсунов Х.О. - 230000000 сўм.
3. Махмудов А.Ю. - 230000000 сўм.
4. Махкамов Т.С. - 230000000 сўм.

Шунингдек, Ҳакимов Ф.И. қолдик қиймати 230000500 сўмга тенг бино билан устав капиталига ўз улушкини кўшди. Акционерлик жамияти кенгаши қарори билан устав капитали миқдорида 5000 дона оддий акция чикарилди ва дивиденд миқдори 15 % килиб белгиланди.

1-топширик. “Нур” акционерлик жамияти устав капитали миқдорини аникланг ва устав капиталини шакллантириш тартибини бухгалтерия хисоби ёзувларида акс эттиринг.

2-топширик. “Нур” акционерлик жамиятининг 1 дона оддий акцияси қийматини аникланг ва бу жараённи бухгалтерия хисоби ёзувларида акс эттиринг.

54-масала.

Максад – капитал, фонdlар ва молиявий натижалар хисоби устав капитали хисобини ўрганиш.

Вазифа – акционерлик жамиятининг хусусий капитал миқдорини аниклаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Тонг” ишлаб чиқариш корхонаси жорий йилнинг 1 январь ҳолатига бўлган маблаглари ва ташкил топиш манбалари рўйхати.

Топширик. “Тонг” ишлаб чиқариш корхонасининг хусусий капитал микдорини аниқланг.

Хўжалик маблаглари ва манбалари номи	Сумма (минг сўмда)
1. Омборхона биноси	30000
2. Цех биноси	50000
3. Идора биноси	26850
4. Жамғарма банкидаги ҳисоб ракамдаги пуллар	15400
5. Юқ автомобилълари	34600
6. Хомашё	2800
7. Устав капитали	197000
8. Ёрдамчи хўжаликдаги она кўйлар ва кўчкорлар	10200
9. Асосий воситаларнинг эскириши	65000
10. Фойда	80000
11. Ноу-хау	3500
12. Касса	80
13. Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари	55000
14. Ходимлар билан иш хақи бўйича ҳисоб-китоблар	65000
15. Ер ва табият ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуки	10850
16. Тракторлар	15220
17. Дастгоҳлар	45000
18. Савдо маркаси	40000
19. Корхонага харидор ва буюртмачиларнинг қарздорлиги	80000
20. Дастурий таъминот	15200
21. Курилиш материаллари	12000
22. Идиш материаллар	15000
23. Иссиқлик кувурлари	85000
24. Франчайз	20000
25. Мойлаш материаллари	40000
26. Банкнинг узоқ муддатли кредитлари	21000
27. Тайёр маҳсулотлар	44000
28. Келгуси харажатларга резервлар	11000

55-масала.

Мақсад – капитал, фонд ва молиявий натижалар ҳисоби устав капитали ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – тақсимланмаган фойдани ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартибини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

2012 йил якуни бўйича “Нур” акционерлик жамияти 120000000 сўм фойда олди. Ҳисобот даврида фойдадан бюджетга тўловлар 1200000 сўмни ташкил этади. 115000000 сўм кийматли

5000 дона оддий акцияга 20 % микдорда дивиденд ҳисобланди. Акционерлик жамияти кенгашининг қарори асосан фойдани 10 % келгусида кутилмаган харажатларни қоплаш мақсадида резерв фондига ўтказилди, 8 % ишчи ва ходимларни моддий рағбатлантиришга ажратилди.

1-топшириқ. Таксимланмаган фойда суммасини аникланг.

2-топшириқ. Таксимланмаган фойда суммасини аниклаш билан боғлиқ бўлган хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттиринг.

56-масала.

Мақсад – капитал, фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби устав капитали ҳисобини ўрганиш.

Вазифа – молиявий натижани аниклаш ва у билан боғлиқ бўлган хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона ҳисобот йилида 144000000 сўмлик маҳсулот сотди, шу жумладан ККС – 288000000 сўм.

Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи 1223000000 сўмни ташкил килган. Шундан иш ҳаки харажатлари 576000000 сўм.

Давр харажатлари 2900000 сўмни ташкил этган, улардан 900000 сўм даромад (фойда) солигини ҳисоблаб чиқаришда солик солинадиган базадан чиқариб тўланади.

Ушбу йилда корхона мулкни ижарага беришдан 2400000 сўм микдорида даромад олди, шу жумладан ККС – 400000 сўм. Мулкни ижарага бериш корхона учун асосий фаолият тури ҳисобланмайди.

Ягона ижтимоий тўловга 25 % ҳисобланди.

Даромад (фойда) солиги 10 % ҳисобланди.

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамгармасига 8 фоиз ўтказилади.

Ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра, корхона таксимланмаган фойдага эга бўлмаган.

1-топшириқ. Корхонанинг солик тўлагунга кадар даромадни (фойдаси)ни аникланг.

2-топшириқ. Корхона томонидан тўланадиган даромад (фойда) солигини аникланг.

3-топшириқ. Корхонанинг ҳисобот давридаги молиявий натижасини ҳисобланг.

4-топшириқ. Молиявий натижани аниқлаш билан боғлиқ бўлган хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттиринг.

10-мавзу. МОЛИЯВИЙ (БУХГАЛТЕРИЯ) ҲИСОБОТ

57-масала.

Мақсад – ҳисоботнинг таркибий тузилишини ўрганиш.

Вазифа – ҳисоботларнинг фойдаланиш даражасига караб гурухлаш.

Визфани бажариш учун маълумотлар.

Ҳисобот турлари:

1. Кассирнинг ҳисоботи.
2. Омборчининг ҳисоботи.
3. Ҳисобдор шахснинг ҳисоботи.
4. Цех бошлигини ҳисоботи.
5. Бухгалтерия бўлимларининг ойлик ҳисоботи.
6. Корхона раҳбарининг ҳисоботи.
7. Корхона баланси.
8. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.
9. Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот.
10. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот.

Топшириқ. Ҳисоботларни қуйида кетирилган жадвал ёрдамида гурухланг:

Ички фойдаланувчилар учун	Ташқи фойдаланувчилар учун

58-масала.

Мақсад – молиявий (бухгалтерия) ҳисобот таркибий тузилишини ўрганиш.

Вазифа – бухгалтерия балансидаги ўзгаришлар тартибини акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“ФАЙЗ” корхонасининг 2012 йил 30 сентябрдаги актив ва пассивларининг ҳолати келтирилган:

Корхона октябрь ойида қуйидаги хўжалик операцияларини амалга оширган:

1. Харидорларга пул ўтказиб берди – 2600000 сўм;
2. Кассага пул олиб келинди – 5600000 сўм;
3. Ишчиларга иш ҳақи ҳисобланди – 4200000 сўм;

4. Устав капиталига таъсисчиларнинг улуши асосий восита тариқасида киритылди – 8900 минг сўм;

5. Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларга эскириш хисобланди – 1500000 сўм;

6. Киска муддатли банк кредитлари тўланди – 1000000 сўм;

7. Ишчиларга иш ҳаки берилди – 4700000 сўм;

8. Материаллар харид килинди – 2500000 сўм.

Актив	Сумма (минг сўмда)	Пассив	Сумма (минг сўмда)
1. Асосий воситалар	35000	1. Устав капитали	40000
2. Материаллар	10000	2. Фойда	3000
3. Касса	100	3. Банкнинг киска муддатли кредити	2000
4. Хисоб-китоб счёти	15000	4. Ходимлар билан иш ҳаки бўйича хисоб-китоблар	500
5. Омбордаги тайёр маҳсулот	900	5. Мол етказиб берувчилар ва пурратчилар билан хисоб-китоблар	4500
6. Келгуси давр харожатлари	500	6. Резерв капитали	2500
7. Киска муддатли молиявий қўйилмалар	3500	7. Узок муддатли банк кредитлари	15000
8. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	5000	8. Текинга олинган мулк	8100
9. Ташиблий харожатлар	5600		
Баланс	75600	Баланс	75600

1-топширик. “ФАЙЗ” корхонасининг октябрь ойида амалга оширилган хўжалик жараёнларини бухгалтерия хисоби ёзувларида акс эттиринг.

2-топширик. 2012 йил 1 ноябрь холатига бухгалтерия балансини тузинг.

59-масала.

Максад – молиявий (бухгалтерия) хисобот таркиби тузилишини ўрганиш.

Вазифа – бухгалтерия балансидаги ўзгаришлар тартибини акс эттириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Холис” масъулияти чекланган жамиятнинг 2012 йил 30 ноябрь холатидаги баланси кўнишга эга:

Актив	Сумма (минг сўм)	пассив	Сумма (минг сўм)
Асосий воситалар	413000	Устав капитали	629341
Номоддий активлар	660	Таксимланмаган фойда	100
Хисоб-китоб счёти	22000	Тўланадиган карзлар	3 361
Касса	1695	Тўланадиган счёtplар	229 453
Омбордаги материаллар	231695	Бошқа мажбуриятлар	100 847
Олинидиган счёtplар	139798	Банкнинг узок муддатли кредити	13 661
Тайёр маҳсулотлар	68115		
Бошқа активлар	99800		
Жами	976763	Жами	976763

Декабрь ойида корхонада қуидаги хўжалик жараёнлари содир бўлди:

- масъулияти чекланган жамият кассасидан иш ҳақи берилди – 1695000 сўм;
- мол етказиб берувчилардан ТМЗ сотиб олинди – 9000000 сўм;
- кредитор карзлар ўтказиб берилди – 5400000 сўм;
- омбордан тайёр маҳсулотлар харидорларга жўнатилди – 11400000 сўм;
- таксимланмаган фойда устав капиталига ўтказилди.

1-топширик. “Холис” масъулияти чекланган жамиятнинг 2012 йил декабрь ойида содир бўлган хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттиринг.

2-топширик. 2012 йил 30 ноябрь ҳолатидаги балансига декабрь ойида содир бўлган хўжалик жараёнлари туфайли ўзгаришларни киритинг.

60-масала.

Максад – молиявий (бухгалтерия) хисобот таркибий тузилишини ўрганиш.

Вазифа – молиявий натижаларни аниқлаш ва уни хисоботда акс эттириш.

Масалани бажариш учун мълумотлар.

“Чинор” номли ишлаб чиқариш корхонаси бўйича хисобот даври охирига даромад ва харажатлар қуида келтирилган. Фойда солиги 10 %.

№	Даромад ва харжатлар таркиби	Сумма (минг сўмда)
1.	Махсулотларни сотишдан тушган тушум	77020
2.	Асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақлари	9700
3.	Бошқарув ходимларининг иш ҳақлари	2200
4.	Бошқарув ходимларининг сафар харажатлари (белгиланган меъёр бўйича)	74
5.	Бошқарув ходимларининг сафар харажатлари (белгиланган меъёрдан ошик қисми)	32
6.	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспортларга ёқилғи сарфи	140
7.	Ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақлари ва тариф ставкаларига тунги ишлаганлиги учун қўшимчалар	820
8.	Маъмурият биносининг амортизация ажратмалари	1200
9.	Белгиланган меъёрдан ошикча бўлган бошқа харажатлар	340
10.	Мутахассис кадрлар тайёрлаш харажатлари	120
11.	Реклама харажатлари	538
12.	Бошқарув ишларини ташкил қилиш ва такомиллатириш харажатлари	1240
13.	Корхона таъсисчиларининг талаби бўйича аудиторлик хизмати учун тўловлар	5212
14.	Хукумат қарорлари бўйича баҳоларнинг ошиши муносабати билан ходимларга берилган компенсация тўловлари	2180
15.	Бошқарув ходимларининг таътиллари учун қўшимча иш ҳаки	908
16.	Асосий ишлаб чиқариш воситалари амортизацияси	2100
17.	Сарфланган идиш (тара) қиймати	1149
18.	Тўловларни кечитирсанлиги учун штрафлар	714
19.	Қисқа муддатли кредитлар бўйича Марказий Банк томонидан белгиланган хисоб ставкалари доирасидаги тўловлар	2120
20.	Муддати ўтган ссудалар бўйича тўловлар	1855
21.	Асосий мол-мulkни сотишдан олинган даромад	9140
22.	Дебитор қарзларни хисобдан чиқаришдан олинган зарар	330
23.	Ишлаб чиқариш эҳтиёжларига хизмат кўрсатишида сарфланган материаллар	400
24.	Умидсиз қарзлар бўйича резерв	1300
25.	Даъво муддати ўтган кредиторлик қарзлари	607
26.	Сотиб олинган акциялар бўйича дивиденdlар	1280
27.	Ишлаб чиқариш жиҳозларини таъмирлаш бўйича бошқа корхоналарнинг хизматлари учун тўловлар	2120
28.	Телеграф-телефон ташкилотларининг хизматлари учун тўловлар	880
29.	Бекор килинган буюртмалар бўйича харажатлар	1680
30.	Ишлаб чиқаришга сарфланган хомашё ва материаллар	36762
31.	Ишлаб чиқариш захиралари бўйича меъёргаги табиий йўқотишлар	614

1-топширик. Берилган маълумотлардан фойдаланиб, корхонанинг молиявий натижаларини аникланг, улар хисобини юритишнинг ўзига хос томонларини айтиб беринг ҳамда уларни тегишли ҳисоботларда акс эттиринг ва операцияларнинг ҳисоб регистрларида тегишли бухгалтерия ёзувларида акс эттиринг.

2-топширик. Келтирилган маълумотлар асосида сотишдан олинган ялпи даромад, операцион фойда, молиявий фаолият бўйича натижалар, солик тўлагунга қадар бўлган фойдани аникланг.

61-масала.

Максад – бухгалтерия балансини тузишни ўрганиш.

Вазифа – ҳисбот йилида счётларнинг бош ва охирги қолдиклари ҳақидаги маълумотлар асосида “Сарбон” МЧЖнинг балансини тузиш.

Счётнинг номери ва номи	Бош қолдик		Охирги қолдик	
	Дебет	кредит	Дебет	Кредит
0100- “Асосий воситалар ”	103594		105081	
шу жумладан, бино ва иншоотлар	93697		93697	
0200- “Асосий воситаларнинг эскириши”		14867		16354
0400- Номоддий активлар	9718		9934	
0500- “Номоддий активлар амортизацияси”		1018		1234
1000- “Материаллар”	19345		20192	
2010- “Асосий ишлаб чикириш”	32988		33982	
2810- “Тайёр маҳсулот ”	2725		2725	
5010- “Касса”	124		368	
5110- “Ҳисоб-китоб счёти”	13770		7765	
6010- “Мол етказиб берувчи ва пурратчиларга тўланадиган счётлар”		3103		937
4010- “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар”	1125		628	
6810- “Қиска муддатли банк кредитлари”		26730		26730
7810- “Узок муддатли банк кредитлари”		5803		5803
6240- “Соликлар ва мажбурий тўловлар кечиктирилган мажбуриятлар”		560		30
6510- “Суғурта бўйича тўлов”		710		50
6710- “Мехнат ҳаки бўйича ходим билан ҳисоб-китоблар ”		1080		300
6970- “Ҳисобдор шахсларга берилган карз”		281		
8300- “Устав капитали”		200093		200093
8520- “Резерв капитали”		22841		22841
Жами	277086	277086	274372	274372

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Бухгалтерия ҳисоби счётларининг қолдиги (минг сўмда)

Топширик. Ҳисобот давридаги “Сарбон” МЧЖ баланси моддалари ўзгаришларининг таҳлилини қилинг ва ҳисобот даврининг охирига баланс тузинг.

62- масала.

Мақсад – бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларнинг гурухланишини ўрганиш.

Вазифа – ҳисоботларни тузилиш даври бўйича гурухлаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Ҳисобот турлари:

1. Кассирнинг ҳисоботи.
2. Омборчининг ҳисоботи.
3. Ҳисобдор шахснинг ҳисоботи.
4. Цех бошлигини ҳисоботи.
5. Бухгалтерия бўлимларининг ойлик ҳисоботи.
6. Корхона раҳбарининг ҳисоботи.
7. Корхона баланси.
8. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.
9. Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот.
10. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот.

Топширик. Ҳисоботларни куйидаги жадвал асосида гурухланг:

Ийл ичидағи (жорий) ҳисобот	Йиллик ҳисобот

11-мавзу. БОШҚАРУВ ҲИСОБИННИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

63-масала.

Мақсад – бошқарув ҳисобининг предмети, обьекти ва усуллари тўғрисидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – хўжалик операцияларини гурухлаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Хўжалик жараёнлари:

а) кимошли савдоси вақтида сотиб олинган дўкон учун тўлов амалга оширилди;

б) ушбу дўкондан ижараси томонидан фойдаланилганлик учун ижара ҳақи тўлови келиб тушди;

в) тошқин вақтида корхона омборида сақланадётган материалларнинг бир қисми яроқсиз холга келди;

- г) сүгурта жамияти тошқин туфайли кўрилган зарарни қоплади;
- д) корхонанинг асосий воситаларига амортизацияси ҳисобланди;
- е) мол етказиб берувчилардан олинган материал пули тўланди;
- ж) сотилган маҳсулотлар учун тұлов келиб тушди.

1-топширик. Жадвал асосида хўжалик жараёнларини гурухларга ажратинг:

Тушунчалар	Хўжалик жараёнлари
1. Маблағлар чикими:	
1.1. Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан бөглик чикимлар	
1.2. Давр харажатлари	
1.3. Ишлаб чиқариш ва давр харажатларига тааллукли бўлмаган харажатлар	
2. Маблағлар кирими:	
2.1. Маҳсулотни сотишдан тушган тушум	
2.2. Фаолиятнинг бошка турларидан маблағлар тушумлари	
2.3. Бошка пул маблағлари тушумлари	

2-топширик. Ҳар бир хўжалик операцияси бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳисоби ёки бошқарув ҳисобига киришини кўрсатинг.

64-масала.

Мақсад – бошқарув ҳисобининг предмети, обьекти ва усуслари тўғрисидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – харажатларни гурухлаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Харажатлар таркиби:

- а) хомашё ва материаллар;
- б) машиналар ва асбоб-ускуналар амортизацияси;
- в) ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақлари;
- г) омборхоналар ижарага олганлик учун тўлов;
- д) цехлар ва маъмурий бошқарув биноларини иситиш ва ёритиш харажатлари;
- е) кафолатли хизмат кўрсатиш ва таъмиrlаш харажатлари;
- ж) цехлар ва маъмурий бошқарув биноларининг амортизацияси;
- з) технологик мақсадлар учун ёқилғи ва энергия сарфлари;
- и) реклама харажатлари;
- к) маҳсулотни ўраш харажатлари.

1-топширик. Жадвал ёрдамида хўжалик жараёнларини гурухларга ажратинг:

Доимий харажатлар	Ўзгарувчан харажатлар

65-масала.

Мақсад – бошқарув ҳисобининг предмети, объекти ва усуллари түғрисидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

а) агар А маҳсулотнинг бозор нархи – 1 килограмм учун 1200 сўмни ташкил қилиб, 1 килограмм учун ишлаб чиқарувчининг харажатлари 700 сўм; 1000 сўм; 2000 сўмга ошса;

б) Б маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари бир бирлик учун 3000 сўмга ошса, бозор нархи эса бир бирлик учун 1500 сўм; 3000 сўм; 3600 сўмни ташкил этади.

Топширик. Юқоридаги вазиятлар бўйича самарали бошқарув қарорини қабул қилинг. Яъни, қайси холатларда фирма ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ёки қисқартириш керак?

66-масала.

Мақсад – бошқарув ҳисобининг предмети, объекти ва усуллари түғрисидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона томонидан маҳсулотнинг учта тури ишлаб чиқарилади: А, Б ва В. Корхонанинг энг юқори ишлаб чиқариш куввати 10000 дона А маҳсулотдан, 5000 дона Б маҳсулотдан ва 5000 дона В маҳсулотдан ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ҳисобот даврида маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан харажатлари ва нархи қўйидаги жадвалда келтирилган:

(минг сўмда)

Маҳсулот	Маҳсулот бирлиги учун ўзгарувчан харажатлар	Маҳсулот бирлигининг тўлиқ таннархи	Маҳсулот бирлигининг нархи
А	20,09	27,36	27
Б	33,04	45,16	50
В	20,64	31,01	32

Топширик. Юқоридаги вазиятлар бўйича самарали бошкарув карорини қабул қилинг. Яъни, корхона маъмурияти ишлаб чиқариш дастурини ўзгартиришга (унга маҳсулотнинг қандайдир бошқа турларини киритиши ва эски турларидан воз кечишидан) хожат борми ёки уни ўзгартирмасдан қолдиргани маъкулми?

12-мавзу. БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ВА ХАРАЖАТЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

67-масала.

Мақсад – бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш бўйича билимларини мустахкамлаш.

Вазифа – харажатлар ва фойда ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг оптимал дастурини қабул қилиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона куйидаги ишлаб чиқариш кувватларига эга бўлган учта харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари:

Харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари		Ишлаб чиқариш куввати, ой /соат
I	Тайёрлаш цехи	20000
II	Механика цехи	21000
III	Иғиши цехи	14000

Кейинги ойда корхона А, Б, В ва Г маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятига эга, яъни буюртма бор. Ҳар бир маҳсулот учун буюртма - 1000 донадан. Маҳсулотларнинг ҳар бири ишлаб чиқарилиши учун ишлаб чиқариш кувватларига нисбатан куйидаги эҳтиёжлар билан ҳамда маҳсулот бирлиги учун харажатлар ва тушумнинг куйидаги суммалари билан белгиланади:

Маҳсулот	Харажатларнинг пайдо бўлиш жойларида ишлаб чиқариш куввати, ой / соат			Маҳсулот бирлиги учун тушум, дона/сўм	Маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш учун ўзгарувчан харажатлар, дона/сўм
	I	II	III		
A	7	6	8	900	700
B	3	3	2	420	320
V	5	6	4	560	400
Г	4	2	5	170	120

Топширик. Харажатлар ва фойда ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишнинг оптимал дастурини аникланг.

68-масала.

Максад – бюджетлаштириш ва харажатларни назорат килиш бўйича билимларини мустаҳкамлаш.

Вазифа – ишлаб чиқариш, харажатлар ва фойда ҳажмидан келиб чиккан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг оптимал дастурини қабул қилиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона маҳсулотнинг фақат А турини ишлаб чиқаради. Ҳисобот ойидаги харажатлар 6000000 сўмни, ўзгарувчан харажатлар эса - маҳсулот бирлигига 2000 сўмни ташкил қилди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати – бир ойда 2500 дона маҳсулот ишлаб чиқаради. Маҳсулот бирлигининг кўзда тутилаётган баҳоси – 5000 сўм.

Топширик. Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари миқдорини, маҳсулотни сотишдан тушадиган энг юқори тушумни аниқланг; сотишдан кўриш мумкин бўлган энг юқори фойдани ҳисобланг; миқдорий ва қиймат ифодасида ноль даражали фойда (зарар кўрмаслик) нуктасини аниқланг; сотиш ҳажмининг камайиши мумкин бўлган таваккалчилик коэффициентини ҳисоблаб чиқинг. Агар корхона фақатгина 1500 дона маҳсулот учун буюртма олган бўлса, зарар кўрмасдан ишлаш учун доимий харажатларни қанчага қисқартириш зарур? Агар корхона тўлиқ қувват билан ишласа, маҳсулотнинг сотиш нархини қанчагача пасайтириш мумкин?

69-масала.

Максад – бюджетлаштириш ва харажатларни назорат килиш бўйича билимларини мустаҳкамлаш.

Вазифа – зарар кўрмай ишлаш нуктасини аниқлаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Фирма А ва Б маҳсулотларни қўйида келтирилган жадвал маълумотлари асосида ишлаб чиқарилади:

Кўрсаткичлар	А маҳсулот	Б маҳсулот
Сотилиш нархи, минг сўмда	6	12
Ўзгарувчан харажатлар, минг сўмда	2	4
Сотилган маҳсулот миқдори, дона	70 000	30 000

Топширик. Агар доимий харажатлар 3000000 сўмни ташкил этса, умуман фирма учун зарар кўрмай ишлаш нуктасини топинг.

70-масала.

Мақсад – бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш бўйича билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – харажатларни тўғри бюджетлаштириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Зиё” фирмасига бир йил мобайнида унинг ишлаши учун етарли бўлган материални 24000000 сўм эвазига улгуржи етказиб бериш таклиф этмоқда. Ҳозирда фирма 60000000 сўм иш ҳаки сарфлаб (иш ҳақига нисбатан ягона ижтимоий тўлов 25 %) ва 12000000 сўм доимий харажатларни амалга оширган ҳолда бир йилда 30000 дона маҳсулот ишлаб чиқариб сотади. Йиллик тушум ўртача 120000000 сўмни ташкил этади.

Топширик. Материалларнинг ушбу партиясини харид қилишга рози бўлиш керакми ёки йўқ? Ҳисоб-китобларни амалга оширинг ва уларга изоҳ беринг.

71-масала.

Мақсад – бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш бўйича билимларини мустаҳкамлаш.

Вазифа – харажатларни тўғри бюджетлаштириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Мадат” фирмасида бир ой мобайнида доимий харажатлар 9600000 сўмни, ўзгарувчан харажатлар эса – бир дона маҳсулот учун 6000 сўмни ташкил этди. Маҳсулот нархи - бир донаси учун 12000 сўм.

Топширик. Маҳсулот таннархини, уни сотишдан кўриладиган фойдани ва қуйидаги миқдордаги маҳсулот сотилган тақдирда коплаш ставкасини аниқланг:

- a) 2000 дона;
- б) 500 дона.

Сотишнинг энг кам ҳажми қанча бўлганида сотишдан тушадиган тушум маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини тўлиқ қоплайди?

72-масала.

Мақсад – бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш бўйича билимларини мустаҳкамлаш.

Вазифа – харажатларни тўғри бюджетлаштириш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш учун қуидада келтирилган турли хил қувват ускунадан фойдаланилади:

Ускуналар	Доимий ҳаражатлар, сўмда	1 м ³ га ўзгарувчан ҳаражатлар, сўмда	Энг юкори қувват, м ³
1	600000	2000	60
2	900000	1000	60

1-топширик. Ускунанинг ҳар бир тури учун доимий ва ўзгарувчан ҳаражатлар миқдорига таъсир этувчи энг муҳим омилларни айтинг.

Корхона 20 м³/с ишлаб чиқаришда ускуналардан қайси бирини сотиб олиши мақсадга мувофиқ?

Қайси ускуна 10 м³/с дан 40 м³/с гача ишлаб чиқаришда энг кам ҳаражатларни таъминлайди?

2-топширик. Фараз килайлик, корхонада иккала агрегат ҳам ўрнатилган. Ишлаб чиқариш ҳажми 20 м³/с дан 40 м³/с гача ташкил қилганида маҳсулотни ушбу агрегатлардан қайси бирини ишлаб чиқариш лозим?

73-масала.

Мақсад – бюджетлаштириш ва ҳаражатларни назорат килиш бўйича билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – материаллар чиқимини аниқлаш ва баҳолаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона бухгалтериясининг материаллар бўлими оборот ведомости асосида ўтган ҳисобот даврида материаллар ҳаракати қуидаги жадвалда акс эттирилган:

Сана	Кирим, килограмм	Чиқим, килограмм	Нарх, кт /сўм
15. 01		2 300	
10. 02	5 000		3600
03. 03		1 500	
13. 04		4 000	
29. 05		2 000	
19. 07	3 000		3750
11.08		5 500	
13. 06	7 000		3100
29. 10		500	
16. 11		1 500	

Биринчи январь ҳолатига кўра, бошланғич материаллар бир бирлиги 3000 сўм миқдорида 8300 килограммни ташкил этди.

1-топшириқ. Ушбу материалнинг якуний қолдигини топинг.

2-топшириқ. Баҳолашнинг ЛИФО, ФИФО усуллари билан мазкур даврда пул бирлигидаги материал сарфи ва АВЕКО таннархини аникланг.

74-масала.

Мақсад – бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш бўйича билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – материалларни баҳолаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона куйидаги материал турларини тезкорлик билан харид килган:

I партия - 750 килограмм, 1 килограмми 950 сўм нарх бўйича;

II партия -1000 килограмм, 1 килограмми 1050 сўм нарх бўйича.

Ишлаб чиқаришга 1300 кг берилди.

Топшириқ. Материалларнинг ишлаб чиқаришга берилиши ва унинг омбордаги қолдигини ФИФО ва ЛИФО усуллари билан баҳоланг.

75-масала.

Мақсад – бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш бўйича билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – иш ҳақи харажатларни назорат қилиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Ишчининг меҳнат сарфлари ва иш ҳақи тўғрисида маълумотлар:

1. Белгиланган меъёр бўйича фрезерлаш - 195 дақика, силликлаш - 123 дақика.

2. Ишлов бериш вақти: битта детальни фрезерлаш – 7,6 дақика, силликлаш - 3 дақика.

3. Соатбай ҳақ тўлаш ставкаси битта деталь учун – 9420 сўм, иш вақтини тежаганлик учун мукофот - 12 сўм/дақика. Ишчи 8 соатлик иш кунида 18 кун ичida 4 соат дам олиш вақтини сарфлаган ҳолда 795 деталь тайёрлади. Бир ой мобайнида у тўрт кун касал бўлди.

Топшириқ. Куйидагиларни аникланг:

- а) ишчининг асосий иш ҳақи суммаси;
- б) бажарилган иш учун меъёрлаштирилган меҳнат сарфлари;
- в) ҳақиқий сарфланган иш вақтини;
- г) иш вақтини тежаганлик учун қўшимча ҳақ (мукофот) суммаси;
- д) ҳисобланган иш ҳақининг умумий суммаси.

76-масала.

Мақсад – бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш бўйича билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа – харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари бўйича тақсимлаш.

(минг сўмда)

Харажат турлари	Сумма	Дастлабки харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари (ички хизмат кўрсатувчи бўлинмалар)		Якуний харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари				
		Электр энергиясини тақсимлаш цехи	Темирчилик цехи	А ишлаб чиқариш цехи	Б ишлаб чиқариш цехи	Моддий-техника таъминоти бўлинми	Майму-рият ва сотиш бўлинми	
Бир элементли харажатлар	9 000	1000	950	3100	2300	850	800	
Умумий харажатлар	1000	100	100	200	300	100	200	
Жами	10000	1100	1050	3300	2600	950	1000	
Истеъмол қилинган энергия микдори, МВт	-	-	15	30	40	5	20	
Сарфланган вакт микдори, соат	-	-	-	30	30	-	-	

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхона А ва Б маҳсулот ишлаб чиқаради ва уларни ишлаб чиқариш учун ички электр энергиясини тақсимлаш ва темирчилик цехлари хизмат кўрсатади. Ички хизмат кўрсатувчи бўлинмаларда юзага келадиган харажатларни тақсимлаш учун тақсимлашнинг куйидаги базаларидан фойдаланиш керак: электр энергияси мегаваттининг микдори ва маҳсулотни ишлаб чиқариш вакти (жадвалда келтирилган).

Топширик. Ички хизмат кўрсатувчи бўлимлар (харажатларнинг дастлабки пайдо бўлиш жойлари) харажатларини харажатларнинг якуний пайдо бўлиш жойларини тақсимланг ва тегишлича ишлаб чиқариш ҳисобини юритиш қайдномасини тўлдиринг. Харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари бўйича ҳисобга олиш маълумотлари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари бўйича таннархини ҳисоблаб чиқинг.

77-масала.

Мақсад – бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш бүйича билимларни мустахкамлаш.

Вазифа – харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари бўйича таксимлаш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада маълумот манбалари бўйича харажатлар ҳисобини юритишда ички ишлаб чиқариш хизматлари тақсимланганидан кейин ишлаб чиқариш ҳисобини юритиш қайдномасида қуидаги маълумотлар акс эттирилган:

Харажатларнинг юзага келиши жойи	Таксимляш манбаси
А ишлаб чиқариш жойи	Асосий ишлаб чиқаришдаги иш хаки
Б ишлаб чиқариш жойи	Асосий ишлаб чиқаришдаги иш хаки
Моддий-техник таъминот бўлими	х х х х х х х х х х х х х х х х х
Маъмурият ва сотиш бўлими	х х х х х х х х х х х х х х х х

(минг сўмда)

Харажат турлари	Сумма	Дастлабки харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари (хизмат кўрсатувчи бўлиннамалар)		Якуний харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари				
		Электр энергиясини тақсимлаш цехи	Темирчилик цехи	А ишлаб чиқариш шеҳи	Б ишлаб чиқариш шеҳи	Моддий-техника таъминоти бўлими	Маъмурият ва сотиш бўлими	
Бир элементли харажатлар	9000	1000	950	3100	2300	850	800	
Умумий харажатлар	1000	100	100	200	300	100	200	
Маълумот манбалар бўйича дастлабки хакикий ва умумий харажатлар суммаси	10000	1100	1050	3 300	2600	950	1000	
Электр энергияси тақсимлаш цехи харажатларини ҳисобдан чиқариш			150	300	400	50	200	
Жами			1200	3600	3000	1000	1200	
Темирчилик цехи харажатларини ҳисобдан чиқариш				600	600			
Жами				4200	3600	1000	1200	

Маълумот манбалар бўйича бир элементли харажатлар	Сумма, минг сўмда
А ишлаб чиқаришдаги иш ҳақи миқдори	14200
Б ишлаб чиқариш иш ҳақи миқдори	13500
Жами	

Топширик. Тақсимлаш базаларига асосан харажатларни пайдо бўлиш жойлари бўйича тақсимланг.

Изоҳли луғат

Оборот ведомостлар – бухгалтерия ҳисоби счётларининг ҳисоб регистрлари маълумотларини умумлаштириш усули. Оборот ведомостлар счётларнинг ой бошига ва охирига қолган қолдиғи ҳамда ой бўйича оборот маълумотларга асосан ой охирида тузилади, оборот ведомостлар синтетик ва аналитик счётлар бўйича тузилиши мумкин. Оборот ведомостда уч жуфт хоналар мавжуд бўлиб, уларда ҳар бир счёт бўйича ой бошига қолдик, ой оборотлари ва ой охирига қолган қолдиқ кўрсатилади. Оборот ведомостдаги ўзаро тенглик дебет ва кредит оборотлари регистрация журналининг жамига ҳам тенг бўлиши керак. Бунинг сабаби ҳар бир хўжалик муомаласининг суммаси регистрация журналида ҳамда счётларнинг дебет ва кредитида акс этирилади. Бундай ўзаро тенглик катта назорат аҳамиятига эга. Оборот ведомостнинг счётлар бўйича қолдикларига асосан бухгалтерия баланси тузилади. Оборот ведомостларни тузиш кўп меҳнат талаб қиласидан жараён ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби шаклларини ва ҳисоб регистрация усуллари такомиллашиши натижасида оборот ведомостлар аста-секин йўқола бормокда. Ҳисобни замонавий ташкил этишда улар истисно тарзида айрим ҳолларда кўлланилади.

Айланма маблағлар – хўжалик юритувчи субъектларнинг оборот фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар. Оборот фондлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари киради. Айланма маблағлар меъёрлаштириладиган (бунда хомашё, материаллар, ёқилғи, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва бошқаларга меъёрлар белгиланади) ва меъёрлаштирилмайдиган (пул маблағлари, ҳисоб-китобдаги маблағлар)ларга бўлинади. Шаклланиш манбаларига караб айланма маблағлар ўз ва карзга олинган маблағларга бўлинади. Ўз маблағлари корхонада меъёрий ишлаши учун зарур бўлган, минимал миқдорда бўлиши керак. Корхона фаолиятининг айрим даврларида (мавсумий меъёрдан ортиқ ишлаб чиқариш захиралари вужудга келганда мавсумий ишлаб чиқариш харажатлари мавжуд бўлади ва ҳ.к.) талаб банк кредити ҳисобига қондирилади. Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичи уларнинг айланниб туриши ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланниши - айланма маблағларнинг бир айланнишини кунларда ёки маълум даврда уларнинг айланниш

сони давомийлигини билдирадиган иқтисодий күрсаткич. Бу күрсаткич айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини күрсатади. Айланма маблағлар айланишининг тезлашиши маблағларни бўшатишга олиб келади. Бу бўшаган маблағлар кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун ишлатилади. Бу корхонага бир ҳажмдаги айланма маблағлар билан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, уни тезрок сотиш ва шу билан ўзининг молиявий ҳолатини яхшилаш имкониятини беради.

Актив – маълум бир санага пул кўрсаткичидан корхонанинг маблағлари, уларнинг таркиби ва жойлашишини акс эттирувчи бухгалтерия балансининг қисми. Бухгалтерия баланси активдан ташкари пассивга ҳам зга. Актив ва пассив бўлим ва моддалардан иборат. Баланснинг актив томонининг жами пассив томонининг жамига тенг бўлиши керак. Актив фаол деган маънони ҳам англатади.

Актив счёtlар – корхона маблағларини ҳисобга оладиган бухгалтерия ҳисоби счёtlари. Улар мавжуд маблағлар, уларнинг таркиби ва жойлашиши тўғрисидаги кўrсаткичларни беради. Актив счёtlарда маблағларнинг кўпайиши дебетда, камайиши кредитда акс эттирилади. Охирги қолдиги фақат дебетда кўrсатилади ва бухгалтерия балансининг активида кўrсатилади. Куйидаги счёtlар актив счёtlар ҳисобланади:

- бино, иншоот, машина, асбоб-ускуна ва бошқа асосий воситалар (1000-счёtlар) ҳисобга олинадиган счёtlар; пул маблағлари ҳисобга олинадиган счёtlар; товар-моддий қийматликлар ҳисобга олинадиган счёtlар.

Аналитик ҳисоб – пул ва зарур бўлган ҳолларда натура шаклида деталлашган кўrсаткичларни берувчи ҳисоб. Кўrсаткичларни деталлаштириш режа бажарилиши, хўжалик мулки бутлигини назорат килиш, бошқарув қарорларини қабул килиш бўйича ахборотлар олиш учун аниқ шароитларга караб белгиланади. Корхонанинг молиявий ва бошқарув фаолиятларини тахлил килиш учун объектив аналитик маълумотлар керак. Аналитик ҳисобни юритиш учун аналитик счёtlар қўлланилади. Аналитик ҳисоб синтетик ҳисоб билан узлусиз боғланган бўлиб, унинг маълумотларини деталлаштириш мақсадида юритилади. Аналитик ҳисобда ёзувлар бухгалтерия ҳужжатларига ва бошқа зарурий маълумотларга ишора қилинади. Аналитик ҳисоб регистрлари қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби шаклларига кўра, машинаграммалар, ведомостлар, журнал-ордерлар, карточкалар,

дафтарлар бўлиши мумкин.

Аналитик хисоб счёtlари – аналитик хисоб юритувчи бухгалтерия хисоби счёtlари. Улар маълум синтетик счёtnинг кўрсаткичларини деталлаштириш учун очилади. Аналитик счёtlар факат мураккаб синтетик счёtlарга очилади. Аналитик хисоб счёtlари синтетик хисоб счёtlарига ўхшаб дебет ва кредитга эга. Улар бўйича оборотлари ва сальдоси чиқарилади. Бунда бир синтетик счёtlари бўйича очилган барча аналитик счёtlарнинг дебет ва кредит оборотлари ҳамда сальдоларининг жами сўм хисобида шу синтетик счёtnинг дебет ва кредит оборотлари ҳамда сальдосига тенг бўлиши керак. Бухгалтерия хисобини такомиллаштириш жараёнида аналитик хисобни юритишнинг самаралироқ принциплари ишлаб чиқилди. Хисобнинг журнал-ордер шаклида аналитик хисоб ёрдамчи (жамғарувчи) ведомостларда юритилади, айrim ҳолларда эса синтетик счёtlар билан бирга бир журнал-ордерда олиб борилади.

Баланс – доимо ўзгариб турадиган, ўзаро алоқада бўлган ҳолатни таърифловчи кўрсаткичлар тизимининг тенглиги. Баланс икки кисмдан иборат бўлган жадвал шаклида маълум бир санага тузилади. Баланс қандайдир воқеани таърифлаб, унинг қисмларга муносабатини кўрсатади. Баланс алоҳида корхона, ишлаб чиқариш бирлашмаси (бухгалтерия баланси, корхонанинг даромад ва ҳаражатлар баланси) ёки ҳалк хўжалиги (аҳолининг даромад ва ҳаражат баланси, тўлов баланси, савдо баланси, кишлок хўжалиги маҳсулотлари баланси ва б.) масштабида тузилади.

Балансдан ташқари счёtlар – колдиги бухгалтерия балансига кирмайдиган бухгалтерия хисоби счёtlари. Бу счёtlар корхонада вактинча турган ва бошқа корхоналарга (ижарага олинган асосий воситалар, масъул сақлашга кабул килинган моддий кийматликлар ва ҳ.к.) тегишли бўлган товар-моддий кийматликларни хисобга олиш учун тайинланган. Балансдан ташқари счёtlарда, шунингдек, қатъий хисобот бланкалари, зарарга хисобдан чиқарилган дебиторлик карзлари ҳам хисобга олинади. Балансдан ташқари счёtlарда хисоб оддий тизимда, яъни иккиёклама ёзув қўлланмасдан юритилади. Бу счёtlар ўзаро ёки балансли счёtlар билан корреспондентланмайди.

Балансли счёtlар – кўрсаткичлари бухгалтерия балансида акс эттириладиган бухгалтерия хисоби счёtlари. Лекин бу баланс моддаларининг номлари балансли счёtlар номларига тўғри келади деган маънони билдирамайди. Бир балансли счёtnинг маълумотлари бир неча баланс моддаларида ва аксинча, бир баланс моддасида бир

неча счёtlарнинг маълумотлари акс эттирилиши мумкин. Бухгалтерия ҳисобининг назарияси манбаларида балансли счёtlарнинг маъноси етарлича ёритилмаган. Шундай счёtlар борки, улар бухгалтерия баланси тузилишидан олдин ёпилиб кетади. Балансда акс эттириш учун бу счёtlарнинг кейинги ҳисобот даври бошига сальдоси бўлмайди. Счёtlар режасидаги 9-транзит счёtlарнинг аксарияти шундай счёtlар таркибига киради. Счёtlар режасидаги барча счёtlар ҳам балансдаги счёtlар ҳисобланмайди. Балансдаги счёtlардан ташқари бошка ташқари счёtlар мавжуд.

Баланснинг бўлими – бухгалтерия баланснинг актив ва пассивидаги бир хиллик, моддалар гурухи. Баланснинг активида ҳам, пассивида ҳам иккитадан бўлим мавжуд:

- активида: биринчи бўлим – узоқ муддатли активлар; иккинчи бўлим – жорий активлар;

- пассивида: биринчи бўлим – ўз маблағлари манбалари; иккинчи бўлим – мажбуриятлар.

Баҳолаш хўжалик маблағлари, мажбуриятлар ва хўжалик жараёнларини пул ўлчов бирлигига акс эттириш усулидир.

Бош дафтар синтетик ҳисоб юритиш учун тайинланган ҳисоб регистри. Ҳисобнинг журнал-ордер шаклида кўлланилади. Бош дафтар йил давомида ҳисоб юритиш учун мўлжалланган. Унда мазкур корхонада кўлланиладиган барча синтетик счёtlар очилади. Счёtlар бўйича 1 январга қолдик (салъдо) ёзилиб, ҳар ойда журнал-ордерларнинг жами маълумотлари ёзилади ва ой бўйича оборотлари (оборотлари) жамланиб, ой охирига сальдоси чиқарилади. Ҳисобнинг журнал-ордер шаклида маълумотлар бош дафтар маълумотларидан олиб ёзилади.

Журнал-ордерларда ёзувлар ҳужжатларнинг келиб тушишига караб ёки жамғарма ведомостлардан ой бўйича жами акс эттирилади.

Ой охирида журнал-ордерларнинг жами бош дафтарга ўтказилади. Бош дафтарда ҳар бир счёtlар бўйича кредит оборотсининг суммаси бир жойда акс эттирилади, дебет оборотси эса кредитланувчи счёtlар билан корреспондентланган ҳолда акс эттирилади. Барча счёtlар бўйича дебет ва кредит оборотлари тенг бўлиши керак. Шундай килиб, бош дафтарда жорий ҳисоб маълумотлари умумлаштирилади ва алоҳида счёtlар бўйича ёзувлар ўзаро текширилади. Бош дафтарга ва зарур бўлган ҳолларда журнал-ордер маълумотларига асосан бухгалтерия баланси тузилади.

Бош журнал – бухгалтерия ҳисобининг эскирган шакли. У

хисобнинг мемориал-ордер шаклидаги варианти ҳисобланади. “Бош дафтар” деб номланган ягона ҳисоб регистрида бош дафтар ва регистрация журнали бирлаштирилган.

Бошланғич (кириш) бухгалтерия баланси – мазкур корхона фаолиятининг бошида тузилган биринчи бухгалтерия баланси.

Бухгалтер – бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассис. “Бухгалтер” термини XIII асрда пайдо бўлган. Бу лавозимни биринчи бўлиб Инсбурк счёtlар палатасининг иш юритувчиси Христофор Штехер олган. Бу борада император Максимилияннинг 1498 йил 13 февралда чикарган буйруги Вена давлат музеида сакланмоқда.

Нафакат Германияда, балки Амир Темур даврида ҳам ҳисоб дафтарларини юритувчи шахслар – ёзувчилар (котиблар) бўлган. “Салтанатнинг хар бир идорасида, - деб ёзади Амир Темур XIII асрнинг охирида, бўладиган кирим-чикимлар, кундалик харажатларини ёзиб бориш учун бир котиб тайинлансан”.

1498 йилдан бошлаб, “Бухгалтер”, “Бухгалтерия” деган терминлар эски номларни аста-секин сикиб чикариб, ҳамма жойга тарқала бошлади. Бу терминлар Россияда 1732 йилдан кўллана бошлади. 1732 йил 11 сентябрда Коммерц – Коллегиянинг буйруги билан Петербург божхонасида биринчи бухгалтер этиб голландиялик савдогар Тиммерман тайинланган. Ҳозирги вактда бухгалтер маълум ҳукуқ, бурч ва мажбуриятларга эга бўлган хизматчи ҳисобланади. Бажараётган ишлари ва эгаллаган лавозимига қараб катта бухгалтер ва бош бухгалтер бўлиши мумкин. Катта бухгалтер - бухгалтериянинг бўлими (гурух)ни бошқаради. Бош бухгалтер эса бухгалтерияни бошқаради. Ҳозирги вактда бухгалтердан нафакат бухгалтерия ҳисобини, балки ишлаб чикаришнинг бизнес-режаларини тузиш, молиявий ва бошқарув таҳлиллари, шунингдек, бошқа соҳаларни чукур билиш ҳамда раҳбарият тўғри бошқарув карорларини қабул қилишда фаол катнашиши талаб этилади. Ўзбекистонда ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган бухгалтерлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда, бухгалтерлар олий ўкув юртларида, кўплаб ташкил этилган колледж ва академик лицейларда тайёрланмоқда.

Бухгалтерия – бухгалтерия ҳисобини ташкил этадиган ва юритадиган ҳисоб аппарати. Бухгалтерия корхонанинг мустакил таркибий бўлими бўлиб, бошқа бўлимлар (хизматлар) таркибига кирмайди. Бухгалтерияни бош бухгалтер бошқаради, агар штатда бош бухгалтер лавозими бўлмаса, катта бухгалтер бошқаради. Бош

бухгалтер қандай ҳуқук ва мажбуриятларга эга бўлса, катта бухгалтер ҳам шундай ҳуқук ва мажбуриятларга эга. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва бухгалтернинг ҳуқук ва бурчлари 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун билан белгиланган.

Бухгалтерия архиви – ўтган ҳисобот даврлари бўйича ҳужоатлар ва ҳисоб регистрлари йигиндиси. Бухгалтерия архиви йўриқнома ва бухгалтерия ҳисоби шаклларига биноан ташкил этилади. Бухгалтерия ҳужоатлари ва регистрлар, микрофильмлар ёки компьютер ҳисоби молиявий маълумотлари уч йил, молиявий ҳисобот эса қонун ҳужоатларида белгиланган муддатда сакланади.

Бухгалтерия баланси – хўжалик маблағлари, уларнинг таркиби, жойлашган жойлари ва уларнинг вужудга келиш манбаларини маълум бир санага пулда ифодалаб турадиган жадвал. Баланс икки томонлама жадвал бўлиб, унинг чап томони актив, ўнг томони пассив деб номланади.

Активда: 1-бўлим. Узок муддатли активлар. 2-бўлим. Жорий активлар.

Пассивда: 1-бўлим. Ўз маблағларининг манбалари. 2-бўлим мажбуриятлар. Баланснинг актив томони жами унинг пассив томонининг жамига teng бўлиши керак.

Бухгалтерия баланси моддаларини баҳолаш – балансда акс эттириладиган хўжалик маблағлари ва уларнинг вужудга келиш манбалари алоҳида турларининг пулдаги ифодаси. Баланс моддаларини баҳолаш принципи барча корхоналар учун бир хил. Баҳолаш асосида ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ёки маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархи ётади. Бухгалтерия баланси моддаларининг баҳоси реал бўлиши, яъни маблағлар ва уларнинг вужудга келиш манбалари турларининг ҳақиқий катталигини акс эттириш керак. Актив ва пассив моддаларни баҳолашнинг ҳақиқийлиги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ишончлилиги билан таъминланади.

Бухгалтерия балансининг моддалари – хўжалик маблағларининг алоҳида турлари ёки уларнинг ташкил бўлиш манбаларини таърифловчи баланснинг актив ва пассив кўрсаткичлари.

Бухгалтерия проводкаси (ёзуви) – счёtlарнинг ўзаро боғланишини (корреспонденцияси) расмийлаштириш. Бунда дебетланувчи ва кредитланувчи счёtlар ҳамда ёзиб қўйиладиган

хўжалик муомаласининг суммаси кўрсатилади. Бухгалтерия проводкалари (ёзув) оддий ва мураккаб бўлади. Оддий проводкада хўжалик муомалаларининг мазмунига қараб бир счёт дебетланиб, иккинчи счёт кредитланади. Мураккаб проводкаларда хўжалик муомалаларининг мазмунига қараб бир счёт дебетланиб, бир неча счёт кредитланади ёки аксинча, умумий суммага бир неча счётлар дебетланиб, бир счёт кредитланади. Ҳар қандай проводкада ҳам бир счётнинг дебетига ёзилган сумма иккинчи счётнинг кредитига ёзилган суммага тенг бўлиши керак. Бу коида мураккаб проводкага ҳам тегишли. Бухгалтерия проводкасида иккىёклама ёзув ўз аксини топади. Кўшимча ва манфий (сторно) бухгалтерия проводкалари бўлиши мумкин.

Бухгалтерия хисоби – айрим субъектларда содир бўлаётган хўжалик маблағлари ва жараёнларининг харакатини маълум хужжатлар билан асосланган ҳолда рўйхатга олиш ва пулда баҳолаб умумлаштирилган тарзда ёппасига ва бевосита кузатиш тизими. Бухгалтерия хисоби ҳар қандай тизимида ҳам қўйидаги учта функцияни бажаради: 1) ахборот бериш, 2) назорат қилиш, 3) бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш. Бунда бухгалтерия хисобида ҳар хил усуллар, техника ва шакллардан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга бухгалтерия хисоби ҳар хил ижтимоий тизимларда муайян максадларга қараб турли вазифаларни бажариши мумкин. Ҳозирги вактда талабалар “Бухгалтерия хисоби” курсини иккига бўлиб ўрганмоқдалар: молиявий хисоб ва бошқарув хисоби.

Бухгалтерия хисоби ва хисботини тартибга солиши – бухгалтерия хисобини тўғри ташкил этиш, унинг аниқлиги ва ягоналигини таъминлайдиган асосий шартлардан бири. Бухгалтерия хисоби ва хисботини тартибга солиши, бухгалтерия хисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланган. Бухгалтерия хисоби ва хисботини тартибга солиши хисобнинг ягона методологиясини, турли корхоналарда бир хил хўжалик муомалаларини акс эттиришнинг ягона усуллари, хўжалик маблағларини ягона баҳолаш, дастлабки хужжатлар, хисоб регистрлари ва хисботнинг ягона шаклларини қўллашни таъминлайди. Бу, ўз навбатида, бухгалтерия хисобини самарали ташкил этишни, кам меҳнат сарфлаб, корхона фаолияти тўғрисида реал кўрсаткичлар олишни таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган умумдавлат хисоб

сиёсати асосида хар бир тармоқ бўйича хисоб сиёсати ишлаб чиқилади.

Бухгалтерия хисоби тизими – бухгалтерия хисоби счёtlарида хўжалик муомалаларини ёзиш тизими. Бу ёзувлар тартибига қараб икки хил бўлиши мумкин: оддий ва иккиёклама.

Бухгалтерия ҳужжати – хўжалик муомалалари содир бўлганлигининг ёзма исботи ёки хўжалик муомалаларини амалга ошириш ҳукуқи. Бухгалтерия ҳужжатлари одатда белгиланган шакл бўйича типография усулида босилган бланкаларда тузилади. Айрим ҳолларда, муайян хўжалик муомалаларини ҳужжатлар билан расмийлаштириш учун тасдиқланган шакл бўлмаса, исталган шаклда тузишга йўл кўйилади, лекин ҳужжатлар кўйилган талаблар инобатга олиниши керак. Ҳисоб ишлари автоматлаштирилган ҳолларда хўжалик муомалаларида автоматик равишда акс эттирилади. Йигилган ахборотлар ёзма (коғоз) ҳужжатлар ўрнини босади.

Хўжалик юритувчи субъектда содир бўлган жараёнларни ҳужжатлар билан расмийлаштиришга ҳужжатлаштириш дейилади. Бухгалтерия хисоби ва хисоботи маълумотларининг аниқлиги, ҳақиқийлиги ва рўй-ростлиги ҳужжатлаштиришнинг сифатига боғлик, чунки ҳисобдаги ёзувлар ҳужжатларга асосланади. Ҳужжатларни тузиш дастлабки ҳисобнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳужжатларни соддалаштириш ва тузиш, ишлов бериш ҳамда улардан фойдаланишини асослантириш учун унификацияланади ва стандартлаштирилади. Ҳужжатлар тузилгандан сўнг саклаш учун архивга топширилгунга кадар маълум йўлни босиб ўтади, ҳисоб жараёнининг турли босқичларида фойдаланилади, яъни ҳужжат айланиши содир бўлади.

Дастлабки ҳужжатлар – хўжалик муомалалари содир бўлган пайтда тузиладиган ва улар амалга ошганлигининг биринчи гувоҳи бўлган бухгалтерия ҳужжатлари. Дастлабки ҳужжатлар тузилиши хўжалик муомалалари ҳисоб регистрациясининг бошланиши ҳисобланади. Дастлабки ҳужжатларга ғазна кирим ва чиқим ордерлари, юкхатлар, квитанциялар ва ҳоказо киради. Ҳисобни соддалаштириш ва ҳисоб регистрациясини тезлаштириш учун кўпинча дастлабки ҳужжатларга асосан йигма ҳужжатлар тузилади. Бухгалтерия ҳужжатлари тузиш тартиби бўйича таснифланганда ҳужжатлар дастлабки ва йигма ҳужжатларга бўлинади.

Дебет – бухгалтерия хисоби счёtlарининг бир қисми. Актив счёtlарининг дебети бўйича ҳисоб объектининг кўпайиши акс

эттирилади, пассив счёtlарнинг дебети бўйича эса камайиши ёзилади. Хисоблашиш счёtlарида дебет мазкур корхонанинг бошка корхона ва шахслардан оладиган суммасини акс эттиради (дебиторлик карзлари). Дебет колдик (сальдо) факат актив счёtlарда бўлиши мумкин.

Хар бир счёtlарнинг иборат – дебет ва кредит.

Иккиёклама ёзув – хўжалик муомалаларини бухгалтерия хисоби счёtlарида регистрация қилиш. Бу усул шундан иборатки, хар бир хўжалик муомаласи иккита счёtlарга ёзилади – бир счёtnинг дебети ва иккинчи счёtnинг кредитига. Иккиёклама ёзув бухгалтерия хисоби объекtlарида ўзгаришларни вужудга келтирадиган хўжалик муомалаларининг иктисадий моҳияти билан боғлиқ. Иккиёклама ёзув биринчи марта италиялик математик Луко Пачоли томонидан 1494 йили Венецияда чоп этилган илмий ишида мантикий асосланган. Л. Пачоли иккиёклама ёзув отаси хисобланади. Асрлар давомида хўжалик фаолиятида “Иккиёклама Италия бухгалтерияси” деган тушунча қўлланиб келди. Иккиёклама ёзув тизими кўп асрли синовдан ўтиб, мана 500 йилдан ортик вакт ичida амалда қўлланиб келмоқда.

Инвентаризация – натура шаклидаги мавжуд маблаглар ҳакиқийсининг бухгалтерия хисоби маълумотларига тўғри келишини, мажбуриятлар хисобда тўғри акс эттирилишининг текшириш усули. У бухгалтерия хисоби кўrsatкичлари ишончлилиги ва корхона мулки бутлигини таъминлайди. Хўжалик юритувчи субъект, шу жумладан, асосий фаолияти бюджет маблағлари хисобига молияланадиган ташкилот томонидан мол-мулк ҳамда молиявий мажбуриятларни инвентаризация килиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 19-Бухгалтерия хисоби миллий стандарти “Инвентаризация килишни ташкил этиш ва ўtkазиш” билан тартибга солинади. Режали ва режадан ташқари инвентаризация ҳам бўлиши мумкин. Режали инвентаризация йўрикномаларда кўrsatилган муддатларда ўtkазилади, режадан ташқариси зарурат туғилишига караб, одатда тўсатдан ўtkазилади.

Инвентаризацияни тўғри ва ўз вақтида ўtkазиш масъулияти корхона раҳбари ва бош (катта) бухгалтерига юклатилади. Корхона раҳбарининг буйругига биноан корхона ходимлари сафидан ишчи инвентаризация комиссияси ташкил этилади ва унда бош (катта) бухгалтер қатнашади. Комиссияни корхона раҳбари ёки унинг ёрдамчиси бошқаради. Инвентаризация албатта моддий жавобгар

шахслар иштирокида ўтказилади.

Инвестиция – миллий иқтисодиётнинг саноат, кишлек хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларига узок муддатли капитал қўйилмалар. Инвестиция асосан акционерлик жамиятининг акциялари ва облигацияларини сотиб олиш тарзида амалга оширилади. Инвестиция бирон-бир тадбирга, ишга оддий капитал қўйиш эмас, балки узок муддатли маблағ қўйишдир. Активларни инвестицияларга киритиш тартиби 12-сон “Молиявий инвестициялар ҳисоби”, 8-сон “Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботлар ва авлод хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби”, 14-сон “Молиявий ҳисоботда кўшма фаолиятда қатнашиш улушкини акс эттириш” номли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) билан амалга оширилади.

Инфратузилма – саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат килувчи ёрдамчи хўжалик тармоқлари комплекси. Бунга транспорт, алоқа, автомобиль йўллари, каналлар, сув омборлари, кўпприклар, денгиз, дарё ва ҳаво портлари, энергия хўжалиги, молия-банк хизматлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари, сув ўтказгичлар, умумий ва касб-хунар таълими, фан, хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва шу кабилар киради.

Инфратузилма икки йўналишда бўлиши мумкин: ишлаб чиқариш инфратузилмаси, яъни моддий ишлаб чиқаришга бевосита хизмат кўрсатадиган тармоқлар (темир йўллар, электр узаттич тармоқлари, молия-банк, лизинг ва ҳ.к.); ноишлаб чиқариш ёки ижтимоий инфратузилма, яъни ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлик бўлмаган тармоқлар (турар жойлар, маданият муассасалари, таълим, тиббиёт хизмати, савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари ва ҳ.к.)

Ишлаб чиқариш – кишилик жамиятининг ҳаёти ва ривожланиши учун зарур бўлган маҳсулотларни вужудга келтириш жараёни. Бу жараёнда ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситалари бирлашади. Ишлаб чиқариш, истеъмол каби узлуксиз давом этади, яъни такрор ишлаб чиқариш амалга оширилади. Ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришнинг беш усули маълум: ибтидоий, кулдорлик, феодал, капиталистик, социалистик. Бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқариш харажатлари, олинган маҳсулотлар ва уларнинг истеъмоли акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш воситалари – меҳнат воситалари ва меҳнат

буюмлари мажмуаси.

Ишлаб чиқариш захиралари – корхонадаги барча материаллар мажмуаси. Ишлаб чиқариш захиралари 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи счёлтар” на бошқа счёлтарда ҳисобга олинади.

Иқтисодий категория – асосий иқтисодий түшунчалар. Хўжалик фаолиятида таннарҳ, баҳо, фойда, самарадорлик, хўжалик ҳисоби ва бошқа иқтисодий категориялар катта аҳамиятга эга.

Йиллик молиявий ҳисобот – ҳисобот йилида корхона фаолиятини ҳар томонлама таърифловчи ҳисобот тури. Йиллик молиявий ҳисобот инвентаризация ва бошқа усуллар билан текширилган ҳисоб маълумотларига асосан тузилади. Уни тузишга кадар турли тайёргарлик ишлари бажарилади: инвентаризация ўтказилиб, унинг натижалари ҳисобда акс эттирилади; йилнинг охирида бухгалтерияга келган барча ҳужожатларни ишлаб чиқариш тугатилади; ёрдамчи ишлаб чиқаришлар иш ва хизматларининг ҳакиқий таннархи аниқланади; умумишлиб чиқариш харажатлари тақсимланади; тугалланмаган ишлаб чиқаришлар таннархи ва тайёр маҳсулотларнинг ҳакиқий таннархи аниқланади; молиявий натижалар (foyda ёки зарар) аниқланади; айрим кўрсаткичларнинг ўзаро алоқалари текширилади ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни (16-модда) билан йиллик ҳисоботнинг куйидаги шаклларини тузиш назарда тутилган: 1. Корхона баланси; 2. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот; 3. Пул окимлари тўғрисидаги ҳисобот; 4. Ҳусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот. Юқоридаги ҳисобот шаклларига изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар илова килинади.

Молиявий ҳисобот куйидаги органларга тақдим этилади: солик органларига; таъсис ҳужожатларига мувофиқ мулқдорларга; давлат статистика органларига; қонун ҳужожатларига мувофиқ бошқа органларга.

Калькуляцион счёлтар – ишлаб чиқарилган маҳсулот ва бажарилган ишларнинг таннархини ҳисоблашда зарур бўладиган маълумотларни олиш учун хизмат қиласидаган бухгалтерия ҳисоби счёллари.

Калькуляция – харажатларни гурухлаш ва сотиб олинган моддий қийматникларни, тайёрланган маҳсулот ва бажарилган ишлар таннархини аниқлаш усули. Калькуляция таннархи бўйича режа бажарилиши, унинг пасайиши ва ҳакиқий харажатларнинг

режадагидан фарқланишини аниқлаш имкониятини беради. Тузилган вакти ва тайинланишига қараб калькуляция режали, мөъерий ва ҳисобот калькуляциясига бўлинади.

Калькуляция объекти – таннархи аниқланадиган сотиб олинган моддий қийматликлар, тайёrlанган буюм ёки бажарилган ишларнинг тури ёки бир хил гурухи.

Капитал қўйилмалар – натижада асосий воситаларни кўпайтирадиган харажатлар. Корхоналарда капитал қўйилмалар тасдиқланган титул рўйхати ва лойиха-смета ҳужжатлари бўлсагина амалга оширилиши мумкин. Капитал қўйилмалар уларнинг йўналишига, режалаштириш тартиби, капитал ишлар турлари, қурилиш объектларининг қиймати, қурилиш ишларини олиб бориш усуслари бўйича гурухланади. Йўналиши бўйича ишлаб чиқариш объектлари турар жой, мактаб, шифохона ва ҳоказоларга бўлинади. Режалаштириш тартибига қараб капитал қўйилмалар давлат режасида назарда тутилган ва давлат режасида назарда тутилмаган қўйилмаларга бўлинади. Давлат режасида назарда тутилмаган капитал қўйилмалар корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Капитал қўйилмалар 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlar” бўйича ҳисобга олинади.

Корхонанинг ҳисоб сиёсати – ҳўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан кўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича коида ва усуслар йигиндиси. Ўзбекистон Республикаси худудида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ташкилий-услубий асосини 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги низом, ўз тартибига 21-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти “Ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlar режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”ни ҳам қўшган ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа мөъерий ҳужжатлар ташкил этади. Ҳисобот йили учун ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати корхона раҳбари томонидан тасдиқлангандан сўнг юридик ҳужжат мақомига эга бўлади.

Консервация – узок вакт ҳаракатсиз (саклашда) бўлган даврда асосий воситалар (машина, станок, инвентар ва ҳ.к.)ларни занглашдан

химоя қилишнинг техник чоралари.

Консигнация – бир томон (консигнант)нинг бошқа томон (консигнатор)га ўз номидан консигнантнинг хориждаги омборидан товарларни сотиш түғрисидаги буйруғи.

Контрактив счёtlар – актив счёtlарнинг кўrsatкичларини тартибга солиш учун тайинланган контрапр счёtlар. Контрактив счёtlарга 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счёtlар”, 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счёtlар”, 2980 “Савдо устамаси”, 4910 “Даргумон карзлар бўйича резерв” счёtlари киради.

Контрпассив счёtlар – пассив счёtlар кўrsatкичларини тартибга келтириш учун тайинланган контрапр счёtlар. 8600 “Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счёtlар”, 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”, 9050 “Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” счёtlари контрпассив счёtlарга мисол бўлади.

Марказлашган бухгалтерия – ҳисобни марказлаштиришнинг юкори шакли бўлиб, бунда бир хил корхоналар фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби битта марказлашган ҳисоб ўрнида йигилади. Бунда ҳисоб ишлари кенг автоматлаштирилади. Марказлаштирилган бухгалтерияни ташкил этиш ҳисобни марказлаштиришнинг барча афзалликларидан тўла фойдаланиш имкониятини беради.

Мемориал-ордер – бухгалтерия проводкаси акс эттириладиган хужжат. Унда ордернинг номери, ой, йил, ёзувнинг мазмуни, сумма, дебетланувчи ва кредитланувчи счёtlарнинг номи (счёtlар корреспонденцияси) кўrsatилади. Мемориал-ордерлар маҳсус бланкаларда тузилади ва бош (катта) бухгалтер ёки унинг ёрдамчиси томонидан имзоланади. Мемориал-ордерлар ўрнига тегишли шаклдаги штамплар кўлланиши мумкин. Айrim ҳужжатларнинг бланкаларида мемориал-ордер реквизитлари мавжуд, яъни счёtlар корреспонденцияси назарда тутилган. Ҳисобнинг журнал-ордер шаклида мемориал-ордерлар тузилмайди.

Мехнат буюми – моддий бойликлар ишлаб чиқариш максадида кишининг меҳнати йўналтирилган буюмлар. Мехнат буюмларига хомашё, асосий материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар киради. Мехнат буюмлари айланма маблағларга кириб, меҳнат куроллари билан бирга ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этади.

Мехнат воситалари – меҳнат куроли бўлиб, унинг ёрдамида

кишилар мөхнат буюмларига таъсир этади, шунингдек, мөъёрда ишлаб чиқариш жараёни учун зарурий шароит яратадиган объектлардир. Ишлаб чиқариш куролларига машиналар, асбобускуналар, двигателлар ва ҳоказо киради. Мөхнат воситалари асосий воситалар ҳисобланади.

Натурал ўлчовлар – бухгалтерия ҳисобидаги ўлчовларнинг бири бўлиб, унинг ёрдамида бухгалтерия ҳисоби обьектлари тўғрисида натурал (масса, узунлик, метр ва х.к.) кўринишидаги кўрсаткичлар олинади. Натурал ўлчовлар асосий воситалар, материаллар, товарлар ва бошқа моддий қийматликларни ҳисобга олиш учун қўлланилади. Натурал кўрсаткичлар катта назорат аҳамиятига эга. Бу кўрсаткичлар хўжалик маблағларини баҳолаш йўли билан пул ўлчовига айлантирилади.

